Оила ва жамият
Oila va jamiyat
1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган
4 сон
27 январ-2 феврал 2005 йил

КОНИМЕХЛИК ЯХШИЛАР

Ўрмонбой Кўкэновни доим кичкинтой ва ўсмир ёшлар ўртасида учратамиз

Навоий вилоятининг Конимех тумани марказидан 100 км. олисда, чўлнинг қоқ ўртасида бунёд бўлган "Сарибел" ширкат хўжалиги раҳбари Ўрмонбой Кўкэнов газетамизнинг номини эшитибоқ, чехраси ёришиб кетди:

- "Оила ва жамият" - бизнинг энг суюмли газетамиз. Янгангиз ҳам шу газетасиз борсам, мени уйга киритмайди, - деди кувноқлик билан.

- Бизда ҳам жуда ибратли оилалар бор. 125 та оилавий пудратчи чўпонлар ширкат хўжалиги билан шартнома асосида иш юритишади. Чўл



бағрида яшашса-да, ҳаммалари мобил телефон хизматидан, замонавий техникадан фойдаланишади. Улар хўжаликка жун, тери ва молини топшириб, йилига 1-2 млн. даромад қиладилар. Менинг отам ҳам (раҳматлик) 40 йил чўпонлик қилганлар. 5 ўғил бўлганмиз оилада. Институтда ўқишимни жондиллари билан маъқуллаганлар. "Ўқиб келиб қишлоқни обод қилсин", - деб орзу қилишларини орзу қиламан ва ҳозирдан шунга пойдевор яратишга ҳаракат қилаяпман. 2 та мактаб ва боғчаларимизни замонавий техника билан жиҳозлаганмиз. Спорт майдонлари қурилиб, 15 га яқин тўгараклар ташкил қилинган. Кутубхоналар ҳам болаларимиз билан доим гавжум. Боғчаларда овқат рационигача қатъий эътибор берамиз. Янги Қазган қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Кенжатой Тўхмуротов билан кам таъминланган оилаларни ёлғизлатмаймиз. Бундан ташқари ўзимиздан чиқадиган мол, қўй, туя териларини қайта ишлайдиган "Учбас" кичик корхонаси маҳсулотларини ҳам аҳолига арзон нархларда сотамиз.

Ўтган йили августда Сарибел—Новосибирск қўшма корхонасини очдик. Мутахассисларимиз қоракўл териларга ишлов бергач, новосибирсклик усталар улардан хушбичим либослар тикишади. Қум барханларини кўриш учун чет мамлакатлардан сайёҳлар тез-тез ҳудудимизга ташриф буюришади. Ўтовларимизда меҳмон бўлишади. «Туя туризми» ҳам ширкат аҳлининг иқтисодий таъминотига катта таъсир кўрсатади.

Қувноқ ва ғайратли инсон, Ўрмонбой оғанинг эзгу тилакларига омад тиладим.

Санобар ФАХРИДДИНОВА

"СЕН ҲАМ ЧЕМПИОН БЎЛ!"

"Эзгу ишнинг, хушхабарнинг қўш қаноти бор", - дейди халқимиз. 2000 йилнинг 1 октябр тонготари элимизга қувонч ва шодликлар ҳадя этди. Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтган XXVII ёзги Олимпиада ўйинларида иштирок этган ҳамюртимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев бокс бўйича олимпиада чемпиони бўлиб, олтин медални қўлга киритди. Голиблик суруридан маст Муҳаммадқодирнинг Ўзбекистон байроғини баланд кўтариб томошабинларга кўз-кўз этишини телевизор орқали кузатаётган ҳар бир юртдошимизнинг, ҳар бир ота-онанинг қалбидан: "Қанийди менинг ҳам фарзандим шундай улуғ шарафга эришсайди", - деган фикр ўтди, яхши ният ўтди.

Худди шу куни Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Мусоқоқ қишлоғидаги хонадонлардан бирида икки қиздан сўнг ўғил фарзанд дунёга келди. Оила кайвониси, меҳнат фахрийси Эсон Эшқувватов ўз набирасига яхши ният билан «Муҳаммадқодир»,- деб исм қўйди.

- Уч йилдан буён обуна мавсуми бошиданоқ "Оила ва жамият" газетасига бир йиллик обуна бўламан. Бу газета ҳаётим мазмунига айланган. Ҳар ҳафта хонадонимизнинг азиз "меҳмони"дир, - дейди Эсон бобо биз билан суҳбатда.

Бугун Эсон бобонинг севимли набираси Муҳаммадқодир беш ёшга қадам қўйди. Ҳозирда ёш Муҳаммадқодир спортга, қўй-қўзиларга жуда қизиқади. Унинг ўйинчоқлари жамламасини ҳам бокс қўлқоплари, коптоклар ва шунга ўхшаш спорт анжомлари ташкил этади.

"Сен менинг ҳаётимсан, ёниб турган чироғимсан, авлодларим давомчисисан, илоё завол кўрма, ўсгин, унгин", - дейди яна Эсон бобо набирасини кучиб. Ким билади, бир кун келиб ёш Муҳаммадқодир ҳам ўз адашидек Олимпиада чемпиони бўлса не ажаб.

Ҳошим ОРЗИҚУЛОВ,
Нуробод тумани, Каттақўрғон ш/х, Мусоқоқ қишлоғи.

ЗАМОН БИЛАН ЕЛКАДОШ АЁЛ

Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани 324-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти бўйича метод бирлашма бошлиғи Раъно опа Алимова ҳақда касбдошлари тўлқинланиб гапиришди.

- Асли Сурхондарё вилоятининг Денов туманида туғилганман. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтини тугатгач, 1984 йилдан буён она тили ва адабиёт фанидан ёшларга таълим бериб келаяпман. Дарсим давомида ўқувчилар кўзидаги ҳайратни кўриб, ўтаётган дарсим бесамар кетмаётганига ишонч ҳосил қиламан, - дейди Раъно опа.

Опанинг оиласи ҳам ибратга лойиқдир: - Катта ўғли Одил Жаҳон Иқтисодиёти ва Дипломатияси Университетида, кичик ўғли Санжар Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида таҳсил олишади. Қизи мактаб ўқувчиси. Турмуш ўртоғи бухгалтер.

Раъно опанинг яна минглаб шогирдлари бор. Улар бахтини кўришдек ёруғ кунлар саодати олдинда.

Комилбек ЁРИЕВ,
ЎзМУ талабаси.

ТАНИШИНГ: ЗУЛФИЯ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР



Нафиса ПЎЛАТОВА — Жиззах Педагогика касб-ҳунар коллежининг II-босқич талабаси. 2004 йилда Педагогика коллежи томонидан чоп этилган "Қизлар гулдастаси" китобида шеърлари босилди. У биология фанига алоҳида қизиқиш билан қараб, "Шифобахш ўсимликлар", "Анализаторларнинг аҳамияти", "Ҳид ва таъм билиш анализатори", "Сезги органлари" мавзуларида мақолалар ёзган. У эришган ютуқлари учун бир неча бор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

Ойдин САЪДУЛЛАЕВА - 1998 йилдан буён Республика матбуотида ўз мақолалари билан қатнашиб келади.

Ойдин "Мансура" аёллар марказида ҳунарлар ўрганиб, айни пайтда ёш болалар ўйинчоқлари ясаш тўгарагини ҳам бошқармоқда. Улар тайёрлаган ўйинчоқлар кам таъминланган оилаларга бепул тарқатилади.

Ойдин Саъдуллаева инглиз тилида эркин сўзлашади ва улардан таржималар қилиб туради. Республика Соғломлаштириш Марказида спортнинг сувда сузиш тури билан мунтазам шуғулланади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси, Тошкент шаҳар Кенгаши Ёшлар қанотининг фаоли.

ҲАМИДА ва НИГОРА тайёрлади.

“Хожа Аҳрор Валий ўз даврида 20-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. “Шайхлар шайхи” деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аждодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз”.

Ислом КАРИМОВ

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

Таваллудининг 600 йиллиги олдидан

Хожа Аҳрор Валий ҳижрий 806 йили рамазон ойида (1404 йил март) Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги Боғистон қишлоғида туғилган. Отаси Хожа Маҳмуд ўз даврининг йирик мударрисларидан бўлган.

Убайдуллоҳ бошланғич маълумотни Тошкент мадрасаларида олиб, 23-24 ёшларида тоғаси Хожа Иброҳим уни Самарқандга ўқишга жўнатади. Кўз оғриғи касали туфайли мадрасада таҳсил ололмай, ўқишни ташлаб Бухорога жўнайди. Бу ерда Баҳоуддин Нақшбанднинг халифаларидан бири Хожа Алоуддин Ғиждувоний суҳбатида бўлади, кейин самарқандлик машҳур шайх Низомуддин Хомуш суҳбатидан баҳраманд бўлади. Унда тасаввуфга қизиқиш кундан-кун кучайиб боради. 1428-1431 йиллари Ҳиротга бориб, Шайх Баҳоуддин Умар, Шайх Зайнуддин Хавофий каби таниқли мутасаввифлар билан суҳбатлашди. Ҳиротда ўзининг асл муддаосига етишолмаган Убайдуллоҳ Чағониённинг Хулғату (ҳозирги Душанбе) мавзеида истиқомат қилувчи Мавлоно Яъқуб Чархий (вафоти 1447 йил) ҳузурига келиб, унинг тасаввуфий илмига тан беради ва унга қўл бериб, нақшбандия асосларини ўрганади. Чархий Хожа Аҳрордаги истеъдодни кўриб, унга одамларни тарбиялаш учун оқ фотиҳа беради. У 1431-1432 йиллари Тошкентга қайтиб келиб, нақшбандия тариқатининг давомчиси сифатида танилади. Айни вақтда деҳқончилик ва тижорат ишлари билан ҳам шуғулланади. У ўз хўжалик фаолиятидан олган даромаднинг анчагина қисмини аҳоли бошига тушган оғир солиқларни тўлаш, диний иншоотлар қурилишларига сарфлайди. Чунончи, Умаршайх Мирзо Тошкент аҳолисидан 250 минг динор ҳажмида солиқ талаб қилганда, Хожа Аҳрор бу маблағнинг ҳаммасини ўзи тўлаб, 70 минг динорни солиқ йиғувчиларга топширган.

1451 йили темурийлардан Абу Саъид Мирзо Тошкентда бўлиб, Хожа Аҳрор билан учрашади, уни ўзига маънавий мададкор деб танийди ва Самарқандга кўчириб келади. Авлиё у ерда Хожа Кашфир маҳалласида яшай бошлади. У Самарқандда нақшбандия тариқатининг йирик раҳнамоси сифатида шуҳрат қозонди, темурий шаҳзодалари унинг мухлисига айландилар.

1451-1454 йиллар мамлакат сиёсий ҳаётида фаол иштирок этди. Урушларнинг олдини олиш, темурий шаҳзодалар ўртасида юз берган низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш ва мусулмонлар осойишталигини сақлаб қолишга астойдил ҳаракат қилди, у бир қанча қонли жангларнинг олдини олиб қолгани тарихий манбаларда қайд этилган.

Хожа Аҳрорнинг авлиёлиги, шу даражада бўлганки, у бирор ҳукмдор ёки бошқа йирик арбобларга маслаҳат берса, йўлга солса, лекин у Ҳазрати Эшоннинг айтганини қилмаса, тез орада фалокат ва ҳалокатга йўлиқиб, ҳалок бўлган.

Хожа Аҳрор Валий йирик ер-сув ва мол-мулк эгаси бўлган. Унинг Қаршида 28 минг гектар, Самарқандда 35 минг гектар ери бўлган. “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” китобида: “Махфий қолмасинки, Ҳазрати Эшоннинг мулклари, ер-сувлари, ғаллалари, подалари, ходиму хизматкорлари кўп, ҳисоб ва саноқдан ташқари эди”, - деб ёзилган. Лекин бу бойлик асло уни қизиқтирмаган, уларнинг барчасини халққа сарфлаган. Хожа Аҳрор Самарқанд, Бухоро, Тошкент, ҳатто Қобулда ҳам мадрасалар, ҳаммом, кўприк ва бошқа иншоотлар барпо этди.

Хожа Аҳрор ўз давридаги султонлар, амирлар, подшоҳлар, ҳокимларга мактублар йўллаб, уларни халқ аҳволини яхшилаш, золимларга жазо бериш, муҳтожлар ҳожатини чиқаришга даъват этар экан. Бу табаррук мактублардан анчаси Алишер Навоий тузган “Мажмуаи муросалот” (Мактублар мажмуаси) альбомида Хожа Аҳрорнинг дастхати ҳолида сақланиб қолган.

Шу мактублардан бири Алишер Навоийга йўлланган бўлиб, унда Хожа Аҳрор Навоийдан вазирлик мансабидан кетмасликни илтимос қилган.

Хожа Аҳрор халққа нисбатан ўта меҳрибон, шафқатли бўлиш билан бирга, ён-атрофидагиларга ҳам раҳм-мурувватли бўлган. “Рашаҳот” китобида унинг оддий халқ оммасига кўрсатган меҳр-шафқати, ҳурмат-эҳтироми, дўстларга садоқати, адолатпарварлиги, ўзининг юксак аҳлоқ-одоб соҳиби эканлиги, олийжаноб инсоний фазилатлари ҳақида ривоятлар келтирилган. У қариндош-уруғ, аҳли оиласига нисбатан ҳам ниҳоятда раҳм-шафқатли ва меҳрибон бўлган.

Хожа Аҳрори Валий 1490 йили Самарқандда вафот этган ва шу ерда дафн этилган.

Хожа Аҳрорнинг икки ўғли бўлиб, каттаси Хожа Муҳаммад Абдуллоҳ Хожа Калон ва Хожагони Хожа лақаблари билан машҳур, зоҳирий ва ботиний илмларда кенг билимдон бўлган. Иккинчи ўғли Хожа Муҳаммад Яҳё Жомий сўзи билан айтганда, юксак камолот эгаси бўлиб, тариқатда “муносибати тамомилари бор эди”. Яҳё Шайбонийхон одамлари томонидан қатл этилган.

Хожа Аҳрор Валий қаламига қуйидаги асарлар мансубдир:

1. *“Фиқрот ал-орифин” (Маърифат аҳли сўзларидан парчалар). Асарда Хожа Аҳрорнинг ва баъзи бошқа тасаввуф намоёндаларининг сўзларидан намуналар келтирилган.*

2. *“Рисолаи волидиййа” (Отага ёзилган рисола). Асар Хожа Аҳрорнинг отаси Хожа Маҳмуд илтимосига биноан ёзилган.*

Рисолада тариқат йўлига кирган кишиларнинг аҳлоқ-одоби, фақирлик ва фано тушунчалари ҳақида сўз юритилади. Рисола ўз даврида машҳур бўлиб, Жомий ва Навоийлар у билан танишганлар.

3. *“Рисолаи ҳавроиййа” (Ҳурлар ҳақида рисола). Рисола Шайх Абу Саъид Абулҳайрнинг (вафоти 1048 й.) бир рубоийсига ёзилган шарҳдир.*

4. *“Анфоси нафийса” (Нозик фикрлар). Рисола тариқат йўлидаги кишиларнинг амал қилиши зарур бўлган масалаларнинг баёнига бағишланган.*

Буюк Валий ҳақида замонаси ва ундан кейинги олимлар жуда кўп китоб, манақиб, мақомот, рисолалар ёзиб қолдирганлар, турли ривоятлар мавжуд.

Мустақиллик туфайли Хожа Аҳрор Валий қайтадан дунёга келди, унинг ҳақида китоблар, рисолалар ёзилмоқда, маърузалар қилинмоқда. Таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш ҳақида президентимиз имзоси билан Вазирлар маҳкамасининг Фармони чиқди.

Хожа Аҳрорнинг юқорида эслатганимиз рисолалари ва унинг ҳақидаги турли китоб ЎзРФА Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалари асосида “Табаррук рисолалар” номи билан чоп этилди. “Рашаҳот Аён ал-ҳаёт”ни эса Маҳмуд Ҳасаний ва Баҳриддин Умрзоқлар “Ибн Сино” нашриётида 2003 йили бостирдилар.

Халқимиз Хожа Аҳрор Валий ҳақида энди тўла маълумот олиш, у буюк зотнинг ибратли ҳаёт йўли ва карамоталридан баҳраманд бўлиш имконига эга бўлди.

Хожи Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор, исломшунос.

ТАЪЛИМНИ ТАБАҚАЛАШТИРАЙЛИК

Шахсий фикр

Ҳозир халқ таълимида талайгина ечилиши мумкин бўлган муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ички имкониятлардан фойдаланиб ҳал этса бўлади.

Биринчи масала, дарсликлар хусусида. Ҳозирги кунда чоп этилаётган деярли барча дарсликлар талабга жавоб беради, дея олмаймиз. Сабаби, ҳар йили янги авторлар дарсликларнинг янгича нусхасини нашрдан чиқариб, ўқувчиларга тақдим этмоқдалар. Натижада ўтган йилги дарсликлар кутубхона пештахталарида қолиб кетмоқда. Бу эса янги дарсликларнинг етишмаслиги, танқислигини келтириб чиқараяпти.

Мана, биргина мисол: Биринчи синф “Алифбе”сидан ўтган йиллари Т.Гаффорова ва бошқалар томонидан чоп эттирилган китобдан фойдаланилган бўлса, бу йил бошқа авторлар томонидан чоп эттирилган китобдан фойдаланилаяпти. Нега? Китобларни ҳар йили ўзгариши ким учун “марокли”?

Тўғри, биринчи синф дарсликлари текин, лекин шундай бўлса-да, дарслик учун сарф ҳаражат-чи? Юқори синфлар учун чиқарилаётган дарсликлар-чи? Бир қўшнимнинг 5 та фарзанди мактабда ўқийди. Эр-хотин ўқитувчилик қилишади. Иккаласининг маоши ҳар бир фарзанди учун ҳар йили 8-10 та дарслик сотиб олишга сарф бўлади-ку?! Ҳозирги кунда битта дарсликни, масалан 10-синф физикасини 4 йилда 4 та ўқувчи навбатма-навбат фойдаланиб, нархни 4 га бўлиб тўлаш шарти билан болаларига олиб боришлари керак. Хўш, бу яхшидек туюлади, лекин...

Ўтган йили, 10-синфда физика фани ҳафтасида 4 соат эди, бу йил эса 1 соат (XI-синфда ҳам 1 соат, лицей-интернатда). Дастур ўз-ўзидан ўзгариб кетган, натижада ўтган йилги китобдан бу йил фойдаланишнинг иложи йўқ.

Бу муаммони қандай ҳал қилсак бўлади? Бу хусусда менинг бир таклифим бор. Дарсликлар ўрнига компьютер орқали бир соатлик дарс учун битта мавзуни ёзиб олиб тарқатилса дарс пайти ўқувчилар фойдаланадилар, сўнгра уйларига олиб кетиб, уй вазифасини бажарадилар, ўқиб-ўрганиб келадилар ва навбатдаги дарсда бошқасини оладилар. Дарслик сотиб олиш муаммоси ҳал бўлади, қўяди. 6-7 та дарсликни ўқувчилар ҳар куни “мактабга-уйга” орқалаб юрмайдилар...

Кундалик дафтарни ҳам битта вараққа “ҳафталик” қилиб, душанбадан шанбагача олган баҳоларини қўйдириб отаонасига кўрсатса бўлади-ку! Йиллик кундалик дафтарга ҳожат йўқ. Бир ойда атиги 4 та варақ... Ўқувчилар учун анча енгиллик, ўнғайлик туғилади-қолади.

Энди масаланинг бошқа томонига эътибор берайлик. Хоҳлаймизми-йўқми, ўқувчилар ўзлари ёқтирган фанларга қизиқадилар, ўзлари хоҳлаган касбни танлайдилар. Бунга тўсиқ бўлиш ярамайди, аксинча, ёрдам бериш керак. Хўш, қандай қилиб? Бунинг учун мактабларни (лицейларни ҳам) табақалаштириб, фанларни ўқитишни жорий этиш лозим.

Масалан, тиббиёт соҳасини танладими, демак химия, биология, тил-адабиётни чуқурроқ ўргатиш керак. Техникани танлаган бўлса физика-математика, тил-адабиёт ва шунга ўхшаш, табақалаштириб, ўқувчилар истакларини ҳисобга олиб, дарслар тақсимланиши шарт. Яъни, асосий фанларга 6 соатдан 8 соатгача, бошқаларига 1-2 соатдан қилиб тақсимлаш мақсадга мувофиқдир. Бу албатта менинг шахсий фикрларим. Сизда ҳам шунга ўхшаш фикрлар бордир?!

Фиёсиддин НУРМУҲАММАД
доцент, физика-математика фанлари номзоди
Қарши шаҳри

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Ахборот

Республика Хотин-қизлар қўмитасининг Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш режасига асосан шу кунларда Тошкент шаҳрининг барча туманларида бир қатор семинар-учрашувлар ўтказилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг №299 сонли Қарорида репродуктив саломатликни сақлаш, соғлом оила, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга асосий эътибор қаратилган.

Ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар Қўмитаси ташаббуси билан саломатлик борасида кўп эзгу ишлар қилинмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Эпидемиология, Микробиология ва Юқумли касалликлар Илмий текшириш Институтида “Юқумли паразит касалликлар муаммоси” га бағишланди.

Ушбу конференцияда юқумли касалликлардан келиб чиқадиган ёмон оқибатлар, уларнинг аҳоли ўртасида тарқалишини олдини олиш, маҳаллаларда тозаликка эътибор бериш мавзудаги маърузалар тингланди.

Ўз мухбиримиз.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси мутахассиси, шоира Зулфия Мўминова билан суҳбат.

АЁЛ ОМОН БЎЛСА...

- Зулфияхон, 2005 йилнинг "Сиҳат-саломатлик йили" деб номланиши қалбингизда қандай туйғулар уйғотди?

- Ҳар бир аёл каби, аввало ўзим соғ бўлишим керак, - деган ўй кечди дилимдан. Миллатнинг саломатлиги унинг аёллари саломатлигидан бошланади, десам хато бўлмас. Чунки оиланинг бахти, ўша хонадон соҳибасининг тетик, бардамлигидандир. Озода аёлнинг болалари ёқавайрон, сочи таралмаган, тирноғи олинмаган юрмайди, эри дазмолланмаган рўмолча тутмайди. Уйининг эшигини очишингиз билан кўклам нафаси димоғингизга урилади.

- Покизалик - деб аталган гўзал тушунча бизга момолардан мерос, шундай эмасми?

- Ўзбек аёллари қадимдан дунёга улуғ алломаларни ҳадя этганлар. Ҳаё, одоб, уят - деб номланган улуғ фазилатларнинг илдизи ўзбек аёлларининг қалбидадир. Покизалик бизга ҳақиқатан момомеросдир. Масалан: Ўзбекнинг ўлмас шоири Усмон Носирнинг онаси Холамбиби аяни маҳалласидагилар - "Ипак келин" деб аташган экан. Маълумингизким ипак тоза, нафис ва асл матодир. Холамбиби аянинг "ипак келин" - номини олишига у кишининг орасталиги сабаб бўлган.

Холамбиби ая яшаган ҳовли қишинёзин ёғ тушса ялагудек бўлиб, атрафайҳон уфурган. Дейдиларки: ул зоти шарифанинг ҳовли супурган супургиларининг қўл билан ушланадиган жойига оқ сурпдан ниқоб кийгизилган бўларкан. Уларнинг уйига келган меҳмонларнинг пойафзали келишда чанг ёки лой бўлган бўлса, кетишда Холамбиби уларни ярақлатиб тозалаб қўяр, калиш-махсиларни ичидан ҳид келмасин учун совунлаб ювиб, қуритар эканлар. Шундай! Ўзбек аёллари ҳар қандай пиёладан сув ичмаганлар. Қиз бола ухлаб қолиш учун ҳатто, энг яқин қариндошиникига ҳам меҳмонликка юборилмаган.

- "Қизлар давраси", "Ўзбегим ўғлонлари" телекўрсатувлари янада машҳур бўлиб кетди. Шу кўрсатувлар ижодий гуруҳида сиз ҳам доим борсиз. Кўрсатувларнинг бунчалик оммавийлашишига сабаб нима, деб ўйлайсиз.

- Авваламбор ҳар иккала кўрсатув ҳам Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзтелерадио компанияси ҳамкорлигидаги ижод маҳсулидир. Оммавийлашишига келсак кўрсатувларнинг ҳар бир сонига Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова ўз фикр-мулоҳазаларини берадилар. "Ғолибларнинг нафақат ўзлари оналарини ҳам саҳнага таклиф этиб эъзозлаш шарт",- дейдилар. "Ўзбегим ўғлонлари" кўрсатувидаги беллашув ғолиби бўлган йигитларнинг бирига ўзи туғилган жойдан уй-жой учун ер ажратилса, бирига компьютер, бирига телевизор, бирига видеоиккилик, бирига магнитафон хуллас ёшларнинг ҳаётида ўчмас эсдалик бўлишга арзигулик совға берилмоқда. Айниқса, кучли еттиликка кирган йигитларни оналари анвойи гуллар билан: "Мана бизда шу йигитни онаси", - деган ғурур билан бутун Ўзбекистонга танилса, бунинг савобига не етсин. Қолаверса, ижодий гуруҳ раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, режиссёр Лутфия Рўзбоеванинг бетимсол истеъдодига бу кўрсатувлар яна битта ёрқин мисолдир.

Фарзанд камолини кўриш ҳаммага насиб этсин... (Қизи Саодат билан)

- Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги Низомини тасдиқлаш ҳақидаги 365-сонли қарори юзасидан кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Бугунги кунда никоҳланувчилар юз фоиз кўрикдан ўтмоқда. Бу қарорни амалга оширишда яна нималарга эътибор бериш керак, - деб ўйлайсиз?

- Соҳибқирон Амир Темур "Келин танлаш учун давлат ишларидан, ҳарбий юришлардан ортиб вақт ажратдим, бўлғуси келиннинг насли тозалигига ва сиҳатига эътибор қаратдим", - деган эканлар.

Эндиликда "Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади" ҳикматига амал қилиб деярли барча маъновияти юқори оилалар тиббий кўрикнинг мақсадини тушуниб етди. Бу борада янада эътибор беришимиз керак бўлган жиҳатларимиз: ёшларни гўдак ёшидан бошлаб - бу эртанги кун эгаси, ҳадемай куёв бўлади ёки келин бўлади, - деб қарашимиз керак.

Мактабларда юқори синф ўқувчилари ўртасида оила врачлари томонидан никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳолати ва моҳияти, туғма ва ирсий касалликлар, туғма ногиронликни олдини олишга қаратилган суҳбат ва учрашувларни тез-тез, режа асосида ўтказиш керак.

- Бир шеърингизда шундай сатрлар бор экан:

Шеърларимни ўқиб шод этадилар,
Биламан самимий гул тутадилар,
Мен кетсам бир кунда унутадилар,
Соғ бўлсам керакман мухлисларимга.
Болаларим гўдак-қушдек жавдирар,
Кўксим чангалласам қўрқар, довдирар,
Менга бир не бўлса қай қўлга қарар,
Соғ бўлсам керакман болаларимга.

Хуллас, шеърингизда аёл омон бўлсагина барчага керак деган ғоя ётади. Шундай эмасми?

- Аёл авваламбор оиласи учун соғ-омон бўлиши керак. Соғлом аёл илму-фанда бурилишлар ясайди. Соғлом аёлни енгиб бўлмайди. Яна бир муҳим ҳақиқат шуки, аёл соғлом бўлиши билан бирга озод ва тинч Ватан фуқароси бўлсагина саодатли бўлади.

- Энди ижодий изланишларингизга қайтсак. Мухлисларингизга нималар тақдим этиш арафасидасиз?

- Шоир ҳеч қачон ёзишдан тўхтамайди. Фақат асари чоп этилиши моддий тарафдан тўхтаб қолмаса бўлди. Кетма-кет иккита тўпламим чоп этилмоқда. "Грен Ворлд" "GREEN WORLD" Америка, Корея, Ўзбекистон қўшма корхонасига миннатдорчилигимни айтмоқчиман. Юртимизнинг машҳур қўшиқчилари-ю, ёш хонандалари билан ҳамкорликда ишламоқдаман. Бастакорлар: Дилором Омонуллаева, Анор Назаров, Рустам Абдуллаев, Бунёд Абдуллаев, Қаҳрамон Комиловлар менинг доимий маслақдош, фикрдошим.

- Қайси мавзуда кўпроқ ижод қилишни хоҳлардингиз?

- Албатта Ватан мавзусида

Ота, умрим ўтгани сайин,
Яқин келди Ватан деган сўз.
Шундан ўтган кунларим азиз,
Шундан келар кунларим азиз.

- Суҳбатимиз охирида битта ноанъанавий савол - сизнинг назарингизда Зулфия Мўминова қандай аёл ўзи? Кувноқми? Маъюсми?

- У қувноқ аёл. Ҳамма нарсадан, ўзгалар бахти, ютуғидан юрти ва юртдошларидан кувонч топиб яшайди. Ватанига битта спортчи олтин медал олиб келса ҳам, халқаро мусобақаларда Ўзбекистон деган сўзни эшитса қалби шодликка тўлади. У маъюс аёл эмас, жиддий аёл. Жиддийликни унга ҳаёт ўргатган.

ЎЗБЕКИСТОН ОТАМГА ЎХШАР...

У ҳам саҳар туриб омонлик кутар,
Қизлари ой каби тўлинларига,
Уялмасин дебми, қарамай ўтар,
Ўзидан кеч турган келинларига.

Ана аравага кишининг гами,
Саратон сарғайтган янтоқни ортар.
Кейин отам каби пичан ғарами,
Ёнида хаёлчан тамаки тортар.

У ҳам қайғуради далаларини
Тутмасин урушнинг губори, доғи.
У ҳам санамайди болаларини
Баракаси учар деб, ўйлайди чоғи.

Шунданми уйида чақалоқ кулар
Ўйнаб бешигининг зар мунчоғини.
Шунданми аёли ой каби тўлар,
Шод қучиб бешикнинг суянчиғини.

Яктагида терлар ором олар кеч
Яхшилик кўргазса гапириб юрмас,
Отамдек олганин унутмайди ҳеч,
Бировга не берса ёдида турмас...

• • •

Сизга бу эътибор, бу эҳтиромни
Билмадим қай йўсин қабул этгайсиз.
Бўйнингизга кўплар гул сочар кўрдик,
Бирин ерга ташлаб, бирин тутгайсиз,
Улар ўтиб кетар гулу-боғ ичра
Сиз бизнинг жонимиз ичра ўтгайсиз.
Бизнинг тутган гуллар юракда ўсган
Бир бор ҳидласангиз кўкка етгайсиз.
Бу ёлғон дунёда чин сўзим Сиз, Сиз.
Ҳазратим, сиримни сир тутгайсиз.
Юракни юракка етказгунча то,
Сўзларни сўзларга асир тутгайсиз.
Уйингизга айланиб бир чашма оқар,
Сипқориб ўтгайсиз, ҳузур этгайсиз,
Сиз сув ичган чашма кўз ёшим эди,
Бир оз шўрроқ бўлса маъзур тутгайсиз.
Умр ўтиб борар ҳажру доғ аро,
Сиз бизнинг жонимиз ичра ўтгайсиз.



Кўқонлик хонанда Ойбек Ўлмасовнинг гуруҳига янги шеър тақдим этилмоқда.

• • •

Туни бўйи ухлолмадим,
Кумуш қорлар ёққан тун.
Юрагимнинг юлдузлари,
Соғинч томон оққан тун.
Туни бўйи ухлолмадим,
Қорлар ёғди бир ширин.
Хотирамга азиз кимдир,
Ташлаб ўтди кўз қирин.
Кўнгил ажиб меҳрланди,
Кумушланди дала - боғ.
Ёруғ армонда нурландим,
Қор ёққан чоғ. Сокин чоғ.
Дунё шунча сеҳрлими,
Узрлими бу тақдир?!
Қор ёққан тун - оппоқ тун,
Фақат муҳаббат ҳақдир.
Омонликлар тилармисиз,
Қор гуллари ичра жим.
Қорга қараб йиғлармисиз,
Юракдаги азизим.

Басира САЙДАЛИЕВА суҳбатлашди.

ЮРАГИМГА ЯҚИНЛАРИМ

Газетхон-газета ва ҳаёт ҳақида

Ўтган йили мен учун ҳам, бизнинг оиламиз учун ҳам унутилмас йил бўлиб қолди, десам хато қилмаган бўламан. Чунки, мен иккита бир-биридан ширин-шакар қизалоқ набиралар кўрдим. Энг асосийси, йил давомида ўзимнинг қувончу-дардларимни, юрагимга яқин кишиларим, азиз инсонларим ҳақидаги хотираларимни, дил сўзларимни сенинг муборак, оппоқ саҳифаларингга "тўкиб" солдим, одамларга улашдим. Ўз саҳифаларингдан мендек оддий бир инсоннинг қалб сўзларига жой берганинг учун сендан миннатдорман.

Азизим "Оила ва жамият"! Ўйлайманки, "Сиҳат-саломатлик" деб аталмиш 2005 йилда ҳам сен билан ҳамкорликни давом эттираман. Сенинг мухлисларинг бундан-да кўп, қаламинг ҳамиша ўткир ва тилинг бундан-да равон бўлсин!

Дилбар ЭРНАЗАРОВА,
Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри.

ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН!

Миннатдорчилик

Мен 2002 йил тўсатдан кўз касаллигига учраб, кўзимни операция қилдирдим. Кейинчалик самарқандлик шифокорлар иккинчи кўзимни ҳам операция қилиш кераклигини маслаҳат беришди.

Яқинда Тошкентдаги кўз касалликлари шифохонасига шифо излаб келдим. Бу шифохонада мени доцент Наргиза Норматова даволади. Мен К.С.Валиева, бўлим шифокори Омон Тошмуҳамедовларга беминнат ёрдамлари учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

"Сиҳат-саломатлик йили"да мен бу кўли енгил шифокорларга бахту саодат ёр бўлишини тилайман. Бахтимизга ана шундай олижаноб инсонлар, яхшилар бор бўлсин!

Ш.МАЪРУПОВ,
Самарқанд шаҳри

МЕХР САРЧАШМАСИ

Ҳикоя

Назира кўкарган кўзини, ғурра бўлган пешонасини силади. Кўзидан шашқатор ёш оқизиб сандиқни очди. Ундаги кийим-кечакларни хона билан битта қилиб улоқтирди. Сандиқ тубидаги эски махсини олди. Унинг ичидан бир тугунча чиқариб очди. Ёқут кўзли узукни кафтига олди. Қўллари қалт-қалт титраб лабига босди.

- Ойижон, нега эрта кетдингиз? Нега мени бунчалар хор қилиб ташлаб кетдингиз? - у овозини борича йиғларкан, дарвоза кўнғироғи жиринглади. У шошиб узукни махси ичига яширди. Ўзи улоқтирган нарсаларини тез-тез йиғиб сандиққа сола бошлади.

- Ҳой келин, ўлиб-нетиб қолганмисиз!?

Қайнонасининг овозини эшитиб Назира югуриб бориб дарвозани очди.

- Ассалому алайкум, ойижон. Келинг, ичкарига киринг.

- Келаяпман, ўғлимни бошини айлантириб, бизникига бормайдиган қилиб олганингиздан кейин ўзим келаман-да! Аббос қани?

- Ҳозиргина чиқиб кетувдилар.

- Афтингизга нима қилди? Жиддани тагидан ўтувдингизми? Ҳамма жойингиз ола-таёқ бўлиб кетипти.

- Ўғлингизни биласиз-ку, - деди Назира дастурхон ёзар экан. У дастурхонга қўйгулик ҳеч нима топа олмади шекилли, бир чойнак чой олиб келди ва хижолатли алфозда қайнонасига жавдиради. - Ун тугаган эди, ўғлингиз кечгача олиб келиб қолсалар керак...

- Ўзи сен шумқадам чиқдинг. - Қайнонасининг сенсираши жанжал бошлашидан дарак беришини билган Назира бир сесканиб тушди.

- Сен келганингдан буён рўзғорда хайр-барака қолмади. Тинч яшарсизлар, деб уй олиб бердик. Аввал машинани сотиб едиларинг, энди уйни сотиб ейсизлар шекилли.

- Ойи, ўғлингиз қимор ўйнашдан, ароқ ичишдан қутулмасалар, яқинда уйни ҳам сотишлари аниқ. Сизлар шу пайтгача қайтаролмаган бу йўлдан мен қайтаролармидим?

- Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин, уйланса босилар, деб ўйловдим баттар бўлди.

- Ойижон, ўғлингиз мени одам ўрнида кўрмайдилар. Бугун ҳам: "Онангдан қолган узукни олиб бер", - деб жанжал қўтардилар. Ҳатто тепкилаб кетдилар. Илтимос, айтинг ўрмасин. Бундай уриб, тепкилашларида мени ўлдириб қўядилар.

- Сен шунга лойиқсан. Агар бирорта бола туғиб берганингда, балки унга ақл кирармиди?

- Ойи, ахир бола ҳам калтакнинг зўридан тўшиб қолди-ку.

- Ўчир овозингни, сенга бу ҳам кам. Кет! Ўғлим ёқмаётган бўлса, ҳозир чиқиб кет. - Қайнонаси лабини буриб қулди. - Кетмайсан. Ўлдириб қутулмаса, Аббос сендан қутулмайди. Кимникига ҳам борардинг сен ношуд? Қара, кўрпаларнинг ағанаб ётишини. - У ҳозиргина сандиқни очиш учун ағдарилган тахмонни кўрсатди.

- Ким айтади сени 5 йил институт кўрган, деб? Эринг кечгача нон топиб келса ейсан, бўлмаса очингдан ўласан. Тағин менинг уйимга бора кўрма, итдек ҳайдаб юбораман.

- Ахир ишлайман, деганимда, ўзингиз қўймадингиз-ку, мендан яна нима истайсиз?

- Тилинг чиқиб қолибдими, шошмай тур, бугун шундай адабингни берайки, бир умр эсингдан чиқмасин. - Дарвоза қарсиллаб ёпилди. Назиранинг кўз олди қоронғулашиб, ерга чўккалади. Кўз ёшлари яна юзини ювa бошлади. У шошиб онасидан қолган махси ва узукни, 3-4та кийимини бир тугун қилиб тугди. "Кетаман. Ишга кираман. Ўзим пул топиб одамга ўхшаб яшайман!". У телефон рақамларини терди. Трубкани ўгай онаси олди.

- Опа, дадам уйдамилар? Чақириб беринг!...

- Ҳа, Назира, ёш болага ўхшаб нега ҳиқиллайсан, жуда тантиқ бўлиб боряпсан-да. Эр бўлганидан кейин айтганини қилмасанг, уради-да. Ўзимнинг ташвишим бошимдан ошиб ётибди. Дадаси телефон гўшагини қўйди шекилли, телефондан қисқа гудок эшитилиб қолди.

Назира бўшашиб ерга чўккалади. Тугунчасини дарвоза олдига қўйди. Қўли ҳеч ишга бормади. Кечадан буён туз тотмаган бўлса-да, оч қолганини сезмади. У ярим тунгача карахт ҳолда ўтирди.

Дарвоза кўнғироғи жиринглади. Эри гандираклаб ичкарига кирди. Назира эрини қўлтиғидан олиб жойига ётқизмоқчи бўлганди, унга бир ўқрайиб қаради. Рўмолчасини олмоқчи бўлиб, чўнтагини ковлади. Чўнтагидан аёл кишининг ич кийими чиқди. Эри уни қўлида ушлаб, титкилаб турди-да, кейин отиб юборди. Назира шундагина эрининг чап юзидаги лаб бўёғи изини кўрди. У жирканиб эридан узоқлашди. Тугунчасини бағрига босиб кўчага отилди. Қоп-қоронғу кўчада гоҳ-гоҳ дайдиб юрган итлардан бўлак жонзот кўринмас эди. У орқадан оғир юк машинаси келиб, уни босиб кетишига оз қолганини ҳам сезмади.

Машина силкиниб тўхтади ва ҳайдовчининг:

- Ҳой, синглим, чеккадан юрсангиз бўлмайдими? Ярим тунда бир ўзингиз қаерга боряпсиз? - деганини англади холос.

Назира индамай кетаверди.

- Чиқинг машинага, элтиб қўяман.

У индамай машинага чиқди. Машина пишқириб йўлга тушди. Улар узоқ юришди. Тоғлар орасидаги бир қишлоқда тўхташди. Бу ҳайдовчининг уйи экан. Уйдан чақалоқ йиғиси эшитилар эди.

- Ҳа, Нодира, тинчликми қизим?

- Холам Ёдгорни ташлаб кетдилар. "Онангнинг дардига қуйганим етади. Ука керак бўлса, ўзларинг боқиб олинглар", - деди.

Азиз ака чуқур уф тортди. У эр-таси куниёқ Ёдгорни болалар уйига жойлаштириш учун жўнади.

Туғруқхонанинг ўзидаёқ болалар уйига ўтказинглар, деб рози бўлса, осон кўчар экан. Ўша вақтлар хотинимдан-ку айрилдим, боламни ҳам етимхонага бераманми, деб рози бўлмаганди. Уйлаб қараса, чақалоқни боқа олмас экан. Эркак одам кун бўйи қум ташиш, тош ташиш билан эзилиб ишдан келади. Бечора катта қизи энди 12 ёшда. 3 та укаси ва уй-рўзғор ташвиши бирдан елкасига оғир юк бўлиб тушди. Кўзлари киртайиб , худди бирдан вояга етиб қолгандек мулоҳазали, босиқ ва ўйчан бўлиб қолди. Кечқурун дадасига овқат олиб келар экан, деди:

- Дада, анави аёл ким? Нега уйига кетмаяпти?

- Билмадим, қизим, ўзи сенга айтмадими?

- Қўшнилар: "Онангнинг қирқи ўтмасдан даданг хотин олиб келдими?", дейишяпти.

- Сен нима дединг?

- У аёл касал бўлгани учун бизникида турипти, яқинда кетади. Дадам билан гаплашгани ҳам йўқ, дедим.

- Сен билан гаплашадими ўзи?

- Ҳа, лекин кам гапиради. Бизга жуда меҳрибон. Айниқса Ёдгоржонни бағридан қўймайди. Ўша аёл бағрига олганида Ёдгор йиғидан тўхтайди ва ухлаб қолади. Туни билан бағрига босиб алланималар деб пичирлайди, гоҳо йиғлаб-йиғлаб алла айтади. Бечоранинг боласи ўлганми дейман, дада.

- Бор қизим, чақириб кел-чи. У аёл ким, қаердан келган, аҳволини билайлик, эртага уйига олиб бориб қўяй. Тўрт кундан буён укангнинг ҳужжатлари билан бўлиб, у билан гаплаша олмадим.

Назира бегона ҳовлида тўрт кун қолиб кетганидан ўзи ҳам хижолат эди. У бугун эрталаб бирон мактабга ишга жойлашишни мўлжаллаб, ўрнидан турди. Негадир ҳамма жойи қақшаб, боши ёрилгудек оғриётганди. "Э худо, ўзинг қувват бер. Аъзои баданим қақшаб оғрияпти. Тезроқ бирор ётоқ-жой топишим керак. Ишга жойлашиб олсам, у ёғи худо хоҳласа яхши бўлади". У эндигина кўчага йўл олувди, Нодира деди:

- Опа, илтимос, Ёдгорни овута олмаяпман, сиз қараб туринг, мен кирларимни ювиб олай. Эртага онамнинг "кирқи" бўлади. Жуда кўп одам келади.

Назира секин изига қайтди. Ёдгорни ухлатди. Супур-сидир, нон, кир, дегандек Нодира иккаласи кечгача тинишмади. Ҳаммаёқни чиннидек қилиб тозалашди. Кичкинтойларни чўмилтириб, тоза кийимларини кийдиришди. Оппоқ чойшабда ухлаётган болаларга ҳам ачиниб, ҳам ҳавасланиб боқди. "Яхши ётиб турингглар", - дея бағрига босиб пешонасидан ўпиб қўйишдан ўзини зўрға тийди.

Назира, Ёдгор ва Нодира бир хонада ухлашарди. Ёдгорни бағрига босиб алла айтар экан, у танаси титраётганини сезди. Унинг иссиғи кўтарилиб кетган, танасидаги оғриқ кучли эди. "Болажоним, мен бу ердан тезроқ кетишим керак. Ўзимни ёмон ҳис қилаяпман. Қалтакларнинг асорати сезилаяпти шекилли. Жоним болам, онанг шўрлик сизлардан хавотир олиб, жон беришни истамай, қанча қийналгандир? Эй худо, қанийди шу болаларнинг онаси тирилиб келса-ю, ўрнига мен бир нотавон ҳеч кимга кераксиз аёлнинг жонини олсанг! Қанийди ётар жойим, имкониятим бўлса, ўша гўдакни ўзим боқиб катта қилсам! Етимхонага бердириб қўймасдим. Шу қисқа вақт ичида у юрагимни бир парчасига айландики, жонимни беришга ҳам тайёрман. Афсус, ўзимнинг яшаш жойим йўқ. Касалим оғир шекилли бутун танам титраяпти. Ишқилиб ётиб қолмайда. Шу бечораларга ташвиш устига, ташвиш бўлмасин. Тонг отсин, эртагаёқ чиқиб кетаман, лекин сени жуда соғинаман".

У энтикиб-энтикиб Ёдгорни бағрига босди. Унинг гапларини тушунгандек Ёдгор кўзчаларини катта-катта очиб, оғзини чапиллатиб уни кўксига интилди. У беихтиёр кўкрагини чиқариб чақалоқнинг оғзига солди. Чақалоқ шошиб қулт-қулт қилиб ютинди. У шошиб эмар, лабчалари атрофидан сут сизарди...

Аёл қалбидаги кучли меҳр оллоҳ муъжизаси билан сутга айланган ва чақалоқ оғзига САРЧАШМА бўлиб қуйилмоқда эди. Назиранинг эсига ёшлигидаги бир воқеа тушиб чеҳраси ёришди...

...Ўшанда укаси уйда туғилган эди. Эртаси куни онасининг ҳарорати кўтарилди. Доя хотин қулимсираб: "Қўрқма, қизим, бу сут келишидан олдинги ҳарорат, эртадан сутинг кўп келади", - дея онасини тинчлантирганди.

Назира кўзида ёши билан қулар. Ёдгорнинг юзчаларидан аваллаб ўпар, силаб-сийпалар, кўзларида бир олам севинч бор эди.

Бу манзарани кўрган Нодира бир неча дақиқа қотиб қолди ва дадасига хабар бериш учун югурди.

Марифат АЛИЕВА,
шифокор, Китоб тумани.

ЭР ҲАМ - ЯРИМ ПИР

Ишдан сўнг бекатда бир аёл билан сўзлашаётган ён қўшнимизни кўриб қолдим. "Қўшничилик - минг йиллчилик", - деганларидек, у билан сўрашиш учун тўхтадим. Улар эса мени пайқашмади.

- Биласиз, бозорнинг олдида турамиз. Эрим шу ерда машинаси билан киракашлик қилади. Ҳар қалай унчамунча ишлаб келади. Яқинда оғир касалга йўликди. Шундай бўлса ҳам қўймасдан киракашликка чиқараман. Бўлмаса еб-ичиб, ҳеч нарсани ўйламасдан эртадан-кечгача газета ўқиб ётаверади. Бу ҳам майли-я, бир одати бор. Ер ютгур эрим кун ора уйга ётадиган жойи йўқ бозорчиларни бошлаб келаверади. Улар эса ётгани учун

Қулоққа чалинган гаплар

пул ўрнига сотаётган нарсаларини ташлаб кетишади. Яқинда биттаси анча турди. Кетаётиб ижара ҳақи учун анчагина помидорларини ташлаб кетди. Уларни пуллагунимча анча қийналдим, - жаврарди қўшнимиз.

- Яхшигина фойда кўрган-дирсиз-а? - деб сўраган аёлга қўшнимиз яна тушунтира кетди.

- Ҳа! Қолганини тузлаб қўйиб, тўрттасини 200 сўмдан сотаяпман. Ҳали анча бор. Эрим эса шуни ҳам гоҳо миннат қилади. Нуқул жанжал қилади, денг. Бирам ношудки. Уйдан қувиб юборгим келади. Аммо, вояга етиб қолган болаларимни ўйлаб ўзимни босаман-да...

- Ие, нимага? Ахир эрингиз кўринишдан туппа-тузук кишига ўхшайди-я. Илгари қаерда ишлаган ўзи? Нега унга турмушга чиққансиз-да, шунчалик ношуд экан?

- Э, нимасини айтасиз. У илгари жуда катта лавозимларда ишлаган. Ёшлигида жуда келишган йигит эди. У бир дугонамни ёқтирарди. Мен эса хийла-найранг билан уни ўзимга оғдириб олгандим.

Аслида ўша пайтларда мен ҳам нуфузли ташкилотлардан бирида ишлардим. Мен эрим келажакда катта амалдор бўлиб кетса керак, деб доғда қолдим. Мана энди касал, салга жазаваси тутадиган эрдан сўкиш эшитиб ўтирибман, - дея тин олди қўшним.

Шу пайт бекатга оппоқ машина келиб тўхтади. Унинг ичидан соябон тутган эркак, яъни, қўшнимизнинг эри Саъдулла ака тушди. Югуриб келиб хотининг сумкасини олди, соябони билан хотинини ёмғирдан пана қилиб машинага ўтқазди. Сўнг авайлаб эшикни ёпди. Мен кўрган ва эшитганларимдан таажжубланардим. Тонгда туриб, тиним билмай рўзғорини гуллатадиган эрини қадрламаган қўшнимиздан нафратландим. Эр ҳам - ярим пир, дейишган-ку, шундай эмасми? Уларсиз уйлар ҳувиллайди, оилада хотиржамлик бўлмайди. Мен шу куни ана шуларни ўйлаганимча уйга кетдим.

Сабрия БОНУ.

ОИЛАНГИЗНИ САҚЛАБ ҚОЛИНГ

Хўш қизим! Ҳар нарсага бола билан тугунни кўтариб онангизникига бораверсангиз, бу қандай оила бўлади?! Эрингиз чарчаб нимадандир асаби бузилиб ишдан келган экан, сиз уни ёруғ юз билан қарши олишингиз керак эди. Ҳурмат-иззат билан иссиқ овқатини, ойни олдига қўйиб, сўнг кўнгил сўрашингиз ўрнига асабига теккансиз, жаҳлини чиқаргансиз. Агар вазминлик билан уни тинчлантирсангиз ҳаммаси ўтиб кетарди.

Америкалик олим Дейли Карнеги шундай ёзади: "Бир камбағал йигит, ўзидан анча ёш катта бўлган бойвучча аёлга уйланади. Унинг мақсади хонимнинг бойлигини эгаллаш эди. Аммо бу аёл ўзининг муҳаббати билан йигитни ўзига мафтун этиб, шунчалик ўрганиб қоладики, усиз тура олмаслигини тушуна бошлайди.

Бир куни йигит хотинига шундай дейди: "Мен сенинг бойлигинг учун уйланган эдим. Энди эса меҳринг, эътиборинг учун сени чин юракдан севиб қолдим. Сен менинг меҳрибоним, доно аёлимсан. Сенсиз ҳаётим қизиқарли бўлмасди", - дейди".

Ҳурматли қизим! Эрингиздан бир поғона паст юрсангиз ҳеч нарса йўқотмайсиз. Эгилган бошни қилич кесмайди, - дейишади. Агар эрингиз бирор хатоингизга танбеҳ берса, "Мени кечиринг, хато қилдим", - десангиз олам гулистон. Қилган қўрслигингиз учун кечирим сўранг!

Ҳурматли ўғлим! Сиздан ҳам хатолик ўтган. Ишдан минг жаҳлингиз чиқиб келган тақдирингизда ҳам ўзингизни тутиб олишингиз керак эди. Хотинингиз куни бўйи уй юмушлари билан ўралашиб, келишингизни интизорлик билан кутади. Сиздан бир оғиз ширин сўз эшитгиси келади. Ҳаётда эр-хотин ўртасида ҳурмат-эътибор бўлмаса, оилада тотувлик бўлмайди. Улар бир-бирини кечирувчан бўлиши, сал нарсага кўнгилни оғритадиган гапларни айтмаслиги керак. Ўртадаги фарзанд - ҳаёт гули. Бу гулни авайлаб, асрашда ота ҳам, она ҳам масъулдир.

Ўғлим, "уч талоқ" сўзини айтиб хато иш қилгансиз. Бу хатони тузатиш ўз қўлингизда. Ҳаётда ҳамма нарсанинг йўли топилади. Оилангизни сақлаб қолишга ҳаракат қилинг!

Гайнижамол АБДУЛЛА қизи,
Тошкент шаҳар,
Чилонзор тумани.

"Хато қилдик, йўл борми?" - 30-сон

ЭСЛАТМА: Эрим ишдан кайфияти тушиб келди. Гапларимга тескари жавоб қайтавергач, мен ҳам асабига тегадиган жавоб қайтардим. Уришиб қолдик. Мен онамникига кетмоқчи бўлдим. Эрим жаҳл устида "уч талоқсан", деб айтди.

Муаллиф: Т.НОРИМОВ

Аке-садо

ИЛОЖИ БЎЛСА ЯРАШИНГ

Мақолани ўқиб бир қалқиб кетдим. Талоқ сўзи оилаларни барбод қилувчи ёвузлик. "Ўтган кунлар" романини ўқимаган киши бўлмаса керак. Отабекдан талоқ сўзини эшитган Зайнабнинг аҳволини яна бир бор кўз ўнгингизга келтириб кўринг. Шўрлик телба бўлиб қолди. Қарияларимизнинг айтишича хотинига 3 талоқ ёки 7 талоқ қўйган эркакда аёли билан ярашиш истаги пайдо бўлса, аёли ўша эркакнинг ошносига 3 кун ёки 7 кун никоҳланиб берилади. Агар шундай қилинмаса у аёл эркак учун номаҳрам ҳисобланаркан. Бу гап қанчалик ҳақиқатга яқинлиги менга қоронғу. Ўша аёл ва эркакка айтар сўзим шуки, ярашишингиз учун ҳеч бўлмаганда қайта никоҳ ўқитишларинг керак бўлади.

Моҳира БЎРИЕВА,
Термиз шаҳри.

ЎҒИЛ-ҚИЗНИНГ САВДОСИ...

Онахон! Ахир сиз қиз узатаётган эдингиз-ку, наҳотки сўраб-суриштирмадингиз? Ҳатто яшаш манзилини билмаган одамлар билан қуда тутиндингиз? Оқибатда эса қизингиз тахтсиз, набирангиз отасиз қолди. Ахир бу умр савдоси, сигир савдоси эмас деб ноўрин айтишмаган. Сиз аввал обдон сўраб-суриштириб, тагзотини билиб сўнг розилик беришингиз керак эди. Ғишт қолипдан кўчибди, буёғига эҳтиёткор бўласиз. Наҳотки қонуний никоҳдан ўтишмаган бўлса улар? ФХДЁ бўлимида рўйхатдан ўтмай яшайвердими? Ўша номард эрга ҳам яратганнинг жазоси муқаррардир, бир эмас 4 та аёлни бахтиқаро қилган бу разил бир кун жазосини олса ажабмас. Бегуноҳ норасидаларни эса бир умр қалби ўксик бўлиб ўсади энди. Гулни гулга эмас сассиқ алафга қўшибсизлар. Сизнинг бепарволигингиз, сўраб суриштирмай тутган ишингиз қизингизни бахтсиз бўлишига олиб келибди.

"Қизим эрига тўртинчи хотин экан" 41-сон

ЭСЛАТМА: Яхши ниятлар ила кенжа қизимни Маҳмуджон исмли йигитга турмушга узатгандим. Тўй куни куёв томондан ҳеч ким қатнашмади. Юрагимга шубҳа тушди. Бир куни нотаниш бир аёл куёвимни яхшилаб текшириб кўришимни айтиб, бир манзилни берди. Маълум бўлишича, куёвим қизимдан оллин 3 та аёлга уйланган, қизим унга тўртинчи хотин экан. Мен қизим билан неварамни ўз уйимга олиб кетдим.

Муаллиф: Л. АҲМЕДОВА.

Сиз албатта бундай бўлишини истамагансиз. Аммо келган совчиларни уст-бошига, ширин сўзига маҳлиё бўлмай дурустроқ суриштириб, сўнг иш тутиш керак эди, деб ўйлайман. Сўзларим аччиқ бўлса узр сўрайман. Худодан қўрқмаган, охиратини ўйламаган, имонсиз қудангизга ҳам, номард куёвга ҳам бу дунёда бўлмаса у дунёда жазо муқаррардир. Ёлғон гувоҳлар яъни, сохта совчиларнинг ҳам ўғил-қизлари бордир? Бировни 18 йил улғайтириб ўстирган ғунчадек қизини, ойпарчадек гўзал бир хилқатни дўзах азобига рўбарў қилиб қўйиб виждони азобланмасмикан? Аввал той айланса ҳозир остона айланиб ёмонлиги ўзига урса, қайтса нима қилар экан? Ушбу мақоладаги синглимга эса тушкунликка тушмаслигини, фарзанди учун қийинчиликларни енгиб яшашини ва албатта инсоф-иймонли. Соф виждонли йигит билан турмуш қуришини тилаб қоламан.

М.ИСОҚОВА

МЕН ҲАМ ХИЁНАТ ҚУРБОНИМАН

Қадрдоним "Оила ва жамият"! Янги зафарларга эришинг, кўпдан-кўп мухлисларга эга бўлинг.

Сирдошим, дардкашим газетам,
Соғиниб кутганим газетам.
Дардим сен-ла унутдир газетам,
Бир қўлим бешик тебратса,
Бирида сенсан газетам.

Л. опанинг дил изҳорини ўқиб, ярам янгиланди.

Л. опа! Мен ҳам сизга ўхшаб хиёнат қурбониман. Лекин ўтса-ўтадики, кам эмас. Бу йил кузда турмушимизга 10 йил тўлади. Уч фарзанднинг онасиман. Худойим ўғил-қиздан сиқмаган. Қайнонаси-қайноталаримнинг дуосини олганман. Ўзимни мақташ эмас-ку, кўпчилик сиздай келиним бўлсин деб ният қилишади.

12.55-13.25 «Дунё манзаралари».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Спорт - менинг ҳаётим: Шоҳсупадан сўнг».
17.50 «Дадиллик учун соврин». Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.
18.10 «Кишки ҳазил».
18.40 «Клон». Сериал.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.25 «Хабарлар».
21.40 «Спорт - менинг ҳаётим».
21.55 «Нокаут».
22.25 «Жаҳон спорти: Снукер». Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.
23.25 «Евровидение-2005». Қўшиқ танлови.

30 КУНДА

12.00 – Открытие программы
12.05 - "Теле-хамкор"
12.25 – **"Детский час"**
12.50 – **"Шахматист"**, сериал
14.00 - Х/ф **"Мы не ангелы"**, комедия
15.40 – "Ошикона", мусикий дастури
16.25 – **"Тайны мира"**, познавательная передача
17.25 - "Теле-хамкор"
17.45 – "Детский час"
18.10 – "Музыкальная пауза"
18.45 – **Лучшие поединки звёзд профессионального и любительского бокса.**
19.45 - "Ошикона", мусикий дастури
20.30 – "Аёллар орзуси" - передача для женщин
21.00 - "Теле-хамкор"
21.20 – "Музыкальная пауза"
22.20 **"Кольцо дракона"**, фантастика

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 «Близнецы». Многосерийный фильм
10.10 Сериал «Клон»
11.30 Дисней-клуб: «Алладин»
12.00 Новости
12.20 Сериал «Женщины в любви»
13.20 «Любительница частного сыска Даша Васильева - 2». Иронический детектив
14.30 «Угадай мелодию» с Валдисом Пельшем
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 Ирина Мирошниченко, Александр Абдулов в приключенческом фильме «Тайны мадам Вонг»
17.00 «Пять вечеров». Сегодня пятница
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 «Зимняя шутка с Яном Арлазоровым»
18.40 Сериал «Клон»
19.50 «Поле чудес» с Леонидом Якубовичем
21.00 Время
21.25 Роберт Редфорд и Мишель Пфайффер в фильме «Близко к сердцу»
23.25 Конкурс песни «Евровидение-2005». Выбирает Россия
0.40 Сильвестр Сталлоне в боевике «Рокки - 4»
2.30 Детектив «Чарли Взррик»
4.30 Тайна страны фараонов в остросюжетном фильме «Раб мечты»

РТР

3:00 «Доброе утро, Россия!».
6:45 Анна Ковальчук в детективном сериале «Тайны следствия-2».
7:45 «Мой серебряный шар».
8:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00 ВЕСТИ.
9:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
9:50 «Мусульмане».
10:00 «Вся Россия».
10:15 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10:45 «В поисках приключений».
11:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
12:00 ВЕСТИ.
12:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
12:30 «Частная жизнь».
13:30 Валентин Смирнитский в телесериале «Возвращение Титаника-2».
14:30 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
14:40 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
15:00 ВЕСТИ.
15:10 «Кулагин и партнеры».
15:45 Денис Матросов в телесериале «Кармелита».
16:45 Борис Невзоров в телесериале «Исцеление любовью».
17:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
18:00 ВЕСТИ.
18:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Михаил Задорнов «Египетские ночи».
20:45 «Шизофрения». 1997г.
23:45 «Леди Каролина Лэм» (Великобритания - Италия). 1972г.
2:15 «Дорожный патруль».
2:25 «Дрожь» (США). 2003г.
3:10 «Навеки Джулия». Телесериал

ШАНБА 5

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 Ички Ишлар вазирлиги марказий ашула ва рақс ансамблининг концерти.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Саньат ғунчалари».
2. «Йўла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 , 11.45 ТВ анонс.
10.25 «Бу турфа олам».
11.15 «Олтин бешик».
11.50 «Тафсилот».
12.10 «Алишер Навоий». Бадиий-публицистик фильм. 1-қисм.
12.40 «Сиз нима дейсиз?» Мусиқий дастур.
13.15 «Сўнгги романс». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.20 ТВ клип.
14.25 «Интеллектуал ринг».
15.10 «Дўстлик» студияси: 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз». 2.»Умид».
3. «Дурдаршан».
16.10 «Букрининг сири». Мультфильм.
17.00 «Табиат шифохонаси».
17.10 «Сиз кутган учрашув».
17.40 «Изҳор».
17.55 ТВ анонс.
18.00 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли».
18.35 «Рангин дунё».
18.55 «Қишлоқ ҳаёти».
19.15 «Ўзлото». Телелотерея.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Гап чикди».
21.45 Эстрада тароналари.
«Тунги ёғду»:
22.05 «Кино, кино, кино».
22.15 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Тўйдан олдин можаро». Бадиий фильм.
23.55 «Ахборот-дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иклим.
9.00, 19.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 «Ғозу- турналар». Мультфильм.
10.30 ТВ - дорихона.
10.35 Оҳанрабо.
11.15 Табобат оламида.
11.40 Бола тилидан.
12.10 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.55 Кутилмаган меҳмон.
13.20 Қишлоқдаги тенгдошим.
13.40 Алехандро Кассоно «Етти фарёд», Ўзбек Миллий академик драма.
театрининг спектакли.
15.25 Интерфутбол.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Билағон маслаҳати.
17.30 Зумрадойнинг эртаклари.
17.50 Очун.
18.15 Саломатлик сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35, 22.35 ТВ - анонс.
19.40 «Қилич қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
20.35 Мусиқий лаҳзалар.
20.45 Минг бир ривоят.
20.50, 21.40 Эълонлар.
20.55 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
21.45 Олтин мерос.
22.40 «Суғур куни». Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 «Мультчархпалак».
17.40 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
18.00, 20.05 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Жаҳон географияси.
18.40 «Афиша».
19.00 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.30 «Экран зийнати ва қиймати».
20.15 «Фаровонлик бекати».
20.30 «Биргаликда куйлаймиз».
21.15 «Нима учун?»
21.45 ТТВда премьера: «Қирол Артур».
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

SPORTLV

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 Жаҳон спорти: Теннис.
10.10 «Лаззат».
10.40 Муҳаббат хикоялари. М. Дунаевский.
11.10 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
11.50 Пауэрлифтинг бўйича Ўзбекистон биринчилиги.
12.10-13.00 «Кучли бешлик».
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.35 «Ўзбекистон ифтихори».
17.50 «Дисней клуб».
18.00 Янгиликлар.
18.10 Концерт дастури.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».
21.20 «Спорт-клуб».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Спорт - саломатлик гарови».
22.05 «3-тайм».
22.25 «Армрестлинг». Телефильм.
22.40 «Олтин граммофон».

30 КУНДА

9.05 - "Теле-хамкор"
9.25 – **"Детский час"**
9.50 - **Х/ф "Полёт навигатора"**,
11.20 – **"Окно в мир"** - документальный фильм
11.40 – **Профессионального и любительского бокса**
12.50 – Спорт-Экстрим
13.25 – **"Детский час"**
13.50 - **"Сумасшедшее сердце"**
16.30 – **Болалар соати**
17.25 - "Теле-хамкор"
17.45- "Ошикона", мусикий дастури
18.30 - **Х/ф "Тяжёлые деньги"**
20.00 – "Хикоя"
20.20 - Хит-парад.uz
21.40 - "Теле-хамкор"
22.00-"**Родственный обмен**", сериал
23.00 - **"Ничего себе поездочка"**, мелодрама

6.00 Новости
6.10 Мультсериал «Американский хвост»
6.30 Евгений Леонов, Людмила Чурсина в фильме «Донская повесть»
8.20 Играй, гармонь любимая!
9.00 Слово пастыря
9.10 Здоровье
10.00 Новости
10.10 «Смак»
10.30 «Любовные истории». М. Дунаевский
11.10 Спецрасследование. «Собачий бизнес»
12.00 Новости (с субтитрами)
12.10 История с географией. «Битва арктических гигантов»
13.10 Дисней-клуб: «Микки Маус и его друзья»
13.40 60-летию Победы. Эпопея Юрия Озерова «Сталинград». Фильм 1-й
15.20 «Слабое звено»
16.10 Евгений Сидихин в боевике «Между жизнью и смертью»
17.50 Классика Уолта Диснея. Золотые годы Микки Мауса. Впервые в России
18.00 Вечерние новости
18.10 Юрий Антонов, Лариса Долина, Николай Басков, Геннадий Хазанов в праздничном концерте
20.00 «Кто хочет стать миллионером?»
21.00 Время
21.20 «Розыгрыш»
22.40 «Золотой граммофон»
23.40 «Знакомьтесь, Джо Блэк»
3.00 Фильм Стивена Спилберга «Амистад»

РТР

3:55 Шон Бин в фильме «Черный красавец»
5:15 «Большая перемена» с Юрием Николаевым.
5:40 «Золотой ключ».
6:00 ВЕСТИ.
6:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
6:20 «Русское лото».
6:55 «Утренняя почта».
7:25 «Субботник».
8:10 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
9:00 ВЕСТИ.
9:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
9:20 «Сто к одному». Телеигра.
10:15 «В поисках приключений».
11:15 «Клуб сенаторов».
12:00 ВЕСТИ.
12.20 Любовь Полищук в комедии «Раз на раз не приходится». 1987г.
14:00 Жан-Поль Бельмондо в приключенческом фильме «Ас из асов»
16:00 «Шутки юмора».
17:50 «В Городке».
18:00 ВЕСТИ.
18:25 «Зеркало».
18:35 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
19:05 «Комната смеха».
20:05 Ричард Гир в остросюжетном фильме «Шакал» (США). 1997г.
22:35 «Страшилы» (США). 1996г.
0:50 НОЧНОЙ СЕАНС. ПРЕМИЯ БРЮССЕЛЬСКОГО ФЕСТИВАЛЯ. ПРЕМЬЕРА. Рэйчел Гриффитс в фильме «Мой сын - фанатик»
2:30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ЯКШАНБА 6

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10, 13.05 ТВ анонс.
12.15 «Алифбо сабоқлари».
12.35 «Алишер Навоий». Бадиий-публицистик фильм. 2-қисм.
13.10 «Гап чиқди».
13.50 «Сўнгги романс». Бадиий фильм. 2-қисм.
14.55 «Кўшиғимиз Сизга армуғон».
15.15 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар». 3. «Айчурек». 4. «Чинсэн».
16.35 «Алибобо ва қирқ қароқчи». Мультфильм.
«Болалар сайёраси»:
17.05 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож».
18.05 «Шеърга кўчган кўнгил».
18.20 «Иқтидор». Телеўйин.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Одами эрсанг. »
21.35 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
«Якшанба кинозали»:
22.00 «Сильвия». Бадиий фильм.
23.45-23.50 Ватан тимсоллари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Билағон маслаҳати.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00.Зумрадойнинг эртаклари.
9.20 «Танаффус». Мультфильм.
9.40 Очил дастурхон.
10.05, 19.30 ТВ - анонс.
10.10 Ҳамкор-205.
10.20 Саломатлик сирлари.
10.40 «Сеҳрли чироқ«. Мультфильм.
12.05 Ёшлик наволари.
12.15 «Маҳобҳорат». Телесериал.
13.00 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий - ватанпарварлик дастури:
1.Марди майдон.
2. Аскар мактублари.
13.40 Автосалтанат.
13.55 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
14.50 «Виждон амри». Бадиий фильм.
16.20 Чемпион сирлари.
16.40 Ринг қироллари.
17.30 Кўрсатувлар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри.
17.55 «Балиқ тилга кирганда». Мультфильм.
18.05 Хуш келибсиз.
18.30 Спорт ҳафтаномаси.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Нодир Лутфуллаев куйлайди.
19.55, 20.45 Эълонлар.
20.00 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
20.50 Оҳанрабо.
21.30 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
22.30 «Бошсиз чавандоз ҳақида афсона». Бадиий фильм.
0.00-0.05 Хайрли тун.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.15 Болажонлар экрани.
17.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55, 20.15 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 «Жаҳон географияси».
18.35 «Эртакларнинг сеҳрли оламида».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.55 «Шунақа гаплар».
21.10 «Тв плюс».
21.40 Кинонигоҳ:
23.10-23.15 Хайрли тун, шаҳрим.

SPORT TV

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.20 Мультфильм.
9.25 «Кувноқ стартлар».
10.00 «Соғлом овқатланиш сирлари».
10.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Ҳамма уйдалигида».
11.10 Аср сирлари.
12.00 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.20 Жаҳон футболи.
12.50-13.50 «Профессионал бокс тарихидан».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.15 «Бинафша».
17.35 Мультфильм.
17.40 «Спорт - клуб». Ринг.
18.10 «Кучли бешлик».
Россиянинг БИРИНЧИ КАНАЛИ.
19.00 Аралаш.
19.30 С. Дроботенко «Кулгули одамлар» дастурида.
21.00 «Время».
21.45 «Хабарлар».
22.00 «Спорт - менинг ҳаётим: Заҳирадаги спортчи».
22.20 Фигурали учиш.
23.20 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».

30 КАНАЛ

9.05 - "Теле-хамкор"
9.25 – **"Детский час"**
9.50 – **"Жирдяи"**, комедия
11.20 – "Теле-хамкор"
11.40 – **"Дикая планета"**
12.50 – Спорт-Экстрим
13.30 – Хит-парад.uz
14.50 - **Боллалар соати**
15.45 - Дневной кинозал: **"Ничего себе поездочка"** мелодрама
17.25 - "Теле-хамкор"
17.45 – "Музыкальная пауза"
18.20 - **"Война миров"**, фантастика
19.50 - "Ошикона", мусиқий дастури
20.35 - "**Родственный обмен**", сериал
21.35 – "Теле-хамкор"
21.55 – "Музыкальная пауза"
23.00 - **"Супершпионы"**, остросюжетный фильм

ОРТ

6.00 Новости
6.10 Мультсериал «Американский хвост»
6.50 Олег Борисов в приключенческом фильме «Последняя охота»
8.20 Служу Отчизне!
8.50 Дисней-клуб: «Команда Гуффи»
9.10 «В мире животных» с Николаем Дроздовым
10.00 Новости
10.10 «Непутевые заметки»
10.30 Пока все дома
11.10 Тайны века. «Сергей Есенин. Ночь в «Англетере»
12.00 Новости (с субтитрами)
12.10 Живая природа. «Правда о львах»
13.10 «Микки Маус и его друзья»
13.40 60-летию Победы. Эпопея Юрия Озерова «Сталинград». Фильм 2-й
15.30 «Слабое звено»
16.10 Джон Траволта в фильме «Посмотри, кто говорит»
18.00 Времена
19.00 «Воскресный «Ералаш»
19.30 «Смешные люди» с участием Владимира Винокура, Юрия Гальцева, Сергея Дроботенко, группы «Экс-ББ»
21.00 Время.
21.45 Премьера. Джоди Фостер в триллере «Комната страха» (2002 год)
23.50 Бокс. Бои сильнейших профессионалов мира. Антонио Тарвер - Глен Джонсон
0.50 Суперчеловек. «Запчасти для тела»
1.50 Скотт Гленн в боевике «Пожар»
3.20 Комедия ошибок «Я не Раппопорт»

РТР

4:05 Марк Бернес в фильме Леонида Лукова «Два бойца». 1943г.
5:25 «Колоссальное хозяйство».
5:40 «Военная программа» Александра Сладкова.
6:00 ВЕСТИ.
6:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
6:20 «Студия «Здоровье».
6:50 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
7:05 «Диалоги о животных».
8:00 «Вокруг света».
9:00 ВЕСТИ.
9:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
9:20 «Пирамида».
9:50 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
10:20 «Сам себе режиссер».
11:15 «Парламентский час».
12:00 ВЕСТИ.
12:20 «Фитиль N29». Сатирический тележурнал.
13:10 Мелодрама «Рам и Шиам».
16:25 Торжественный вечер, посвященный 250-летию Московского государственного университета им. М.В.Ломоносова.
18:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ
19:00 «Специальный корреспондент».
19:25 Стивен Сигал в боевике «Во имя мести» (США). 2003г.
21:15 «Поцелуй дракона» (Франция).
23:10 Майкл Китон и Энди Гарсия в фильме «Отчаянные меры»
1:10 «Клоун» (Германия). 1998г.
2:05 Канал «Евроньюс»

Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan suratlaringizni, yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga, bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Xatlaringizni kutamiz.



Rasmlar muallifi: Feruza MIRZOHIDOVA. Toshkent shahar, A. Ikromov tumani, 312-maktabning 2 «b» sinf o'quvchisi.

O'TGAN SONDAGI BOSHQOTIRMA JAVOBLARI

Boychibor, Otin, Loy, Aso, Lotos, Asos, Rota, Sura, Assambleya, Himolay, Islom, Fakt, Adidas, Ili, Sato.

ДИЛДАН ЧИҚМАГАН ҚЎШИҚ

Муҳаббат ва қўшиқ қадим-қадимлардан, олис йўлларни босиб, бизгача етиб келган муқаддас ва ҳамиша ажралмас жуфтлик. Одам боласига шу жуфтлик ҳадя қилган зиё ва ҳайратни на қуёшнинг ҳаётбахш заррин нурлари, на уммонларнинг мавжли салтанати бахшида қилолмаса керак. Олам гўзаллиги, тонглар таровати, гуллар жамоли - қисқаси, умр хосияти шу жуфтликда жамул-жам. Барча тилларда буни гул ва булбулга қиёс қиладилар. Гўё бирининг ҳусну латофати, иккинчисининг оҳу ноласи - илоҳий бир мўъжиза, битмас-туганмас илҳом чашмаси. Аммо...

Худди шу "аммо" ҳақида мен ҳикоя қилай, сиз ҳулоса қилинг:

Бир ошнам бор. Хушовоз эстрада хонандаси. Кўпинча қўшиқларини ўзи басталайди. Пайти келса, матн ҳам ўзи ижод қилади. Ижро ҳам, албатта, ўзидан. Мухлислари талайгина. Қўшиқлари одатда ўта шўҳчан, қувноқ бўлади. Ўз гуруҳи билан концерт берганида, залдагиларнинг баъзилари ўзларини тўхтатолмай, рақса тушиб кетадилар. Айрим ҳофизлар айтганида йиғлаб эшитиладиган байтлар унинг ижросида шодликларга уланиб кетади. Бир-икки эстрада юлдузлари ҳам у айтган қўшиқларни саҳнанинг у бошидан - бу бошига югуриб, ғайратга тўлиб, жазава билан айтадилар.

Шу ошнам бир куни деди:

- Сиз ҳам бир шеър битинг, мен унга куй басталай. Бизлардан кейин ҳам мухлислар тилидан тушмай, иккимизни эслатиб турсин.

- Қандай мавзуда? - сўрадим ундан.

- Албатта, асрлар оша яшаб, эскириш, кексайишни билмаган ишқ-муҳаббат ҳақида.

Рози бўлдим. Бироқ кейин билсам, ишқ-муҳаббат ҳақида янги, бетакрор бир шеър ёзиш 300 қисмдан иборат детектив сериал ёзишдан мушкулроқ экан. Ҳар қалай кунларнинг бирида мисралар қуйилиб келди. Ёзиб ташладим:

Бош кўтариб тоғлар ортидан,
Заррин нурин тўкади қуёш.
Келди яна бир мунаввар тонг,
Куйга тўлар боғлар, тоғу тош,

Ҳаёт ишқин куйлаб оқар сой.
Ҳаёт гўзал, олам чароғон,
Бахтиёрлар тилида қўшиқ.
Фақат бир мен кўзларимда ёш,
Излаганим сенсан, қаламқош,
Нечун ташлаб кетдинг, бағри тош.

Матн ошнамга маъқул бўлди. Вақт ўтиб шеър ҳам, ошнам ҳам хотирамдан кўтарилди.

Ёқимли иси билан иштаҳани қитиқлайдиган, яқинда тандирдан узилган, яшнаб турган нонларимизни яхши кўраман. Шундай нон излаб гузарга чиқдим. Бир аёл пештахта устига ёйиб қўйган кулчалар диққатимни жалб қилди. Яқинлашдим. Орқа-ўнгини бир-бир кўздан кечириб, кулчалардан керагини танлаб олдим. Пулини тўладим. Шу чоқ бирданига қўшиқ ёзилган тасмалар билан савдо қилиб ўтирган бола кароматини ишга солди. Аёл чўчиб тушди. Эшитаётганим қўшиқнинг сўзлари қулоғимга танишдек туюлди. Диққат қилсам ўзим битган шеър экан. Чакки чиқмабди. Фақат, сўнгги мисралар куйга унча мос тушмабди.

...Фақат бир мен кўзларимда ёш,
Излаганим сенсан, қаламқош,
Нега ташлаб кетдинг бағри тош...

Қўшиқ тугаши керак эди. Аммо шу мисраларни мусиқанинг ўзи, сўзсиз такрорлади. Сўнгги гал қайта бошдан яна ўша мисраларга берилди. Шу тарзда мусиқа ва куй алмашаверди.

Пулим бироз майдароқ эди. Уларни санаб олаётган аёл икки бор адашиб кетди. Учинчи бор санашдан олдин садо келаётган томонга ғазаб билан қаради:

- Уҳҳ!!! Худоё шу байтни ёзганнинг қалам тутган қўли синсин. Уни қўшиқ қилганнинг уйи куйсин. Ҳасратини бир марта эмас, икки марта эмас, уч марта эмас, наҳотки, етти марта қайтаради. Оҳу ноланг билан бировнинг қизини эговлащдан бошқа сўз топмасанг, у бошига урсинми сени? Атрофингда-ку шунча бахтлилар шодон юрган экан, қўшил сен ҳам ўшаларга. Ниятингни рост, тилингни ширин қил! Эрийди ўша бағри тош қаламқош. Дилида аза, тилида базм. Ҳасрати-ю, кўз ёшига ярашмаган ноғорасига бало борми?! Кечгача ана шу кассеталарни сотиб олувчига: "Дид деган нарса борми, сенда?" - дегим келади. Қочиб кетай десанг, тириклиқдан қоласан. Сўнг юзини менга ўгириб давом этди:

Ё менинг гапларим ножўямі? Ўзинг инсоф билан айт, ука!

- Йўқ, сиз ҳақсиз, - деб юборганимни билмай қолдим. Ҳозиргина файз-барака тўкиб турган гузар бир зумда жин урган нахс даргоҳга айланди. Тезроқ қочиб қолиш керак бу ердан, оёғимни қўлга олиб орқамга қайтдим. Юраяпманми, югураяпманми, билмасдим. Лаънати карнай бўлса мени таъқиб қилгандай ўкиришини қўймайди. Қолаверса, кўчада ўйнаб юрган икки қизалоқ унинг оламни бузгудек садосига монанд рақса тушиб шўхлик қилади. Ким ўламан дейди, ким қуламан дейди? Боз устига аёлнинг заҳар босган совуқ турқи кўз ўнгимдан, қарғишлари қулоғимдан нари кетмайди. Ҳаммаси бирлашиб асабимни арралайди. Хўрлигим келди. Шунча камситишларни чаласавод бўлса ҳам, бир танқидчидан эмас, кўчада нон сотиб ўтирган оддий аёлдан эшитсанг, алам қилар экан. Қўшиқ яратиш хамир ошириб нон ёпишми?! Ҳовлига қандай кириб борганимни билмайман. Мени қарши олган хотиним: "Нима бўлди? Рангингиз оқариб кетибди. Тинчликми?" - деб қолди. Нима ҳам дейман?! Тўқидим:

- Шунчаки, кўчада бир кишини кўмгани олиб кетдилар. Ёш йигит бўлса керак. Тобут қизил духобага ўралган экан. Шуни кўриб эзилиб кетдим.

- Ҳаҳ! Мунча нозик бўлмасангиз?! Сизга нима? - деди ва кулчаларни қўлимдан олиб уйга кириб кетди. Бор гап шу! Хулоса эса сиздан.

Собиржон ҲИДОЯТОВ,
Тошкент шаҳри.

БОЛА БОШИДАН

Фарзандларимиз - бизнинг келажагимиз, қалбимизнинг риштасидир. Уларни қанча суймайлик, тарбиясида қаттиқ-қўлроқ бўлиш зарар қилмайди.

Оилада туғилган биринчи фарзандга ҳамма, бобо-буви, амма-хола, тоға, амакиларигача меҳрибон бўлади. Тарбия эса аслида ана шу биринчи фарзандни тарбиялашдан бошланади. Бола меҳрибонликни тез илғайди. Унинг онгида меҳр, мурувват аста-секин шакллана бошлайди. Баъзи ота-оналар кейинги фарзандларига унчалик эътибор бермайдилар. Чунки оиладагиларга биринчи фарзанд ардоқлидек туюлаверади. Рўзғордаги айрим юмушларни каттага эмас, кичик болаларга буюрилади. Худди шу жойга етганда тарбиянинг меъёри бузила бошлайди. Бу икки хил муносабат ака билан укининг ўртасига ихтилоф солади. Шунинг учун болаларга бир хил муомала, бир хил талаб қилиш зарур. Ота-она, қариндошлар, бобо-бувилар қанча меҳрибон бўлсалар-да, улар ҳам тарбия борасида ҳамжиҳат бўлишлари муҳим. Боланинг ҳар томонлама вояга етишида оиладаги соғлом муҳитнинг аҳамияти беқиёсдир. "Қуш уясида кўрганини қилади" деган мақол бежиз айтилмаган. Оиладаги ака-укалар, тоға-холалар, қариндошлар тез-тез бир-бирларидан хабар олсалар, болалар бу ўзаро борди-келдини кўриб ўсишади. Уларда ҳам одамларга яхшилик қилиш жигарчилик туйғуси пайдо бўлади. Қариндошларига меҳр-мурувватли бўлиб ўсади. Кимнингдир юмушини қилиб, олқиш олган, боланинг ёш қалбида ҳам шу кишидек бўлишга интилиш кучаяди. Бу меҳр-оқибат туйғусини ривожлантириш эса, ота-оналар, оиладагилар ва бола яшаётган муҳитга боғлиқдир.

Имконимиз борича фарзандларимиз қалбига яхшилик, меҳр-оқибат уруғларини экайлик. Токи, бу меҳр-оқибат, яхшилик уруғлари келажакда ўз мевасини оиладагиларга ва жамиятга берсин. Халқимиз орасида ва жамиятимизда меҳр-оқибатли инсонлар янада кўпайсин.

Гайбулла АБДУЛЛАЕВ,
Бухоро вилояти,
Ғиждувон тумани.

Хат Хатлар

ҲУРМАТ ҚИЛСАНГ, ҲУРМАТ ТОПАСАН

Халқимизда шундай нақл бор: "Кексаларни қилсанг азизу ҳурмат, кексайгач сени ҳам қилурлар иззат".

Ҳақиқатан ҳам, бизда кексаларга нисбатан ҳурматда бўлиш, уларга меҳр кўрсатиш, оғирини енгил қилиш каби одатлар қадимдан мавжуд ва бу мерос бўлиб бизгача келди, келажак авлодга ҳам етажак.

Хўш, бир ўйлаб кўрайлик-чи, айни пайтда ҳамма шу одатга риоя қилаяптими?

Менинг ёшлигим Қорабоғ қишлоғида ўтган. Қариялар биз ёшларни ҳар замонда китоб, достон ўқиб бериш баҳонасида тўплар (ёшлар кексаларга кечаси, лампа ёруғида 2-3 соатлаб достонлардан ўқиб беришарди). Чарчаб қолганда, достондаги яхши ўгитлардан, ҳаётий иззат-ҳурмат қоидаларидан бизга насиҳат қилар эдилар. Онам ўқитувчи бўлганиданми, доимо яхши, озода юриш, катта ёшлиларга салом бериш, оғир ишларда қарашиш, йўл бериш, жой бериш, уларнинг олдидан кесиб ўтмаслик ҳақида мен ва укамга доимо насиҳат қиларди. Ҳозир назаримда кўп оилаларда бу ҳақда болаларга дастурхон атрофида ҳам алоҳида йиғиб гапирилмайди. Очиғи, ёшлар тарбиясини боғча, мактаб, радио, телевидение ихтиёрига ташлаб қўйганмиз. Аёлим билан Қизилтепа тумани, Тошработдаги Ҳасанча қишлоғига кўп борамиз (қайнопамиз ўша ерда турар эдилар). 2-3 марта Пишти автобуси билан охирги бекатгача (Шафтоли қишлоғи) бориб, у ёғига 1-2 км пиёда юришга тўғри келди. Ўқитувчи халқи синчков бўлади. Мен шу қишлоқ одамлари, аёллари, болаларининг иззат-ҳурматига қойил қолдим. Ҳали 40-50 метр узоқда бўлсакда бир аёл дарвозадан пақир кўтариб чиқди, бизни кўриб тўхтади. Кутди, салом берди, бизни ўтказиб юбориб, сўнг йўлни кесиб ўтди, ариқдан сув олиб уйига йўл олди.

Мен қувондим. Эркаклар, болалар бизга қўлларини кўксиларига қўйиб салом беришарди. Мен бу воқеани бир неча давраларда, оиламда айтдим. Ёшларни шундай бўлишга чақирдим.

Қолган кўп жойларда, шаҳарда ёшлар кўпларга салом бериш у ёқда турсин, 1-2 метр қолганда урилиб кетса ҳам олдингиздан кесиб ўтади. Мен кўзимни операция қилдирганимда Тошкентда кўп бўлдим. Автобус, троллейбус, трамвай, метроларда ёшларнинг аксарияти ўзидан катталарга жой беришади.

Кексалар олдида, хотин-қизлар олдида айрим ёшларимиз баланд овозда гапириб, ҳатто сўкиниб ҳам қўйишади. Кўп ҳолларда шундай ҳолатларда гапирсак ёшлар қулоқ солармикан, деб ўйланиб қоламан. Бир куни Бухорога кетаётиб автобусга Гаждумакдан 3-4 қариялар чиқишди. Ўтирган қариялардан бири ёшлардан уларга жой беришларини сўради, ёшлардан бири: "Амаки, биз ҳам ўриндиқ учун пул берганмиз, керак бўлса ўзингиз жой беринг, биз сизнинг болангиз эмас дўқ қилсангиз",- дея жавоб берди. Ҳалиги киши мулзам бўлиб қолди. Хайриятки, автобусга чиққан қариялар Вобкентда тушиб кетишди ва бу гап-сўзларни чўзишга ҳожат қолмади.

Шу каби ҳолатларни кўрган одамлар оилада ёшлар билан ўтириб қолганда ёшларга ҳикоя қилиб, уларни оддий одоб-аҳлоқ нормаларини бажаришга чақирса нур устига нур бўларди.

Кексалар бирор иш буюрса ўзини эшитмасликка оладиган ёшлар ҳам йўқ эмас.

Аслида кексаларга ҳурматни оилада шакллантириш керак. Ота-оналар ўз ота-онасини, ёши катта қариндошларини ҳурмат қилишса, оиладаги болалар улардан ўрнак олиб ота-онаси, ака-опасини ҳурмат қилади, бу қўникма ташқарига чиққанда ҳам давом этади.

Азиз газетхон! Эҳтимол бу гаплар кимгадир ортиқчалик қилар, аммо яхшилаб бир ўйлаб кўрсак ёмон бўлмасди.

Марат АХМЕДОВ,
Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи,
нафақахўр.

СЕН ЎЗИНГНИ АСРАСАНГ...

Бир куни Ургенчга бормоқчи бўлиб, "Дамас" машинасига ўтирдим. Ҳайдовчиси аёл киши экан. Аёл бўлса ҳам, машинани худди эркаклардек ишонч билан тез ҳайдаб борарди. ДАН постидан ўтгандан кейин, Ургенч-Охунбобоев жамоа хўжалигига кираверишда Қўшқўприкка олиб борувчи йўлдан бир машина олдимиздан чиқиб қолди. Ҳайдовчи аёл, жон-жаҳди билан тормозни босди. Яхшиямки, машинанинг тормози яхши ишлар экан. Ўшанда Оллоҳ бир сақлаб қолди. Акс ҳолда фалокат содир бўлиши аниқ эди. Ҳаммамиз бир ўлимдан қолдик. Айрим ҳайдовчилар тезроқ манзилга бориб келишни, кўпроқ йўловчи ташиб, кўпроқ пул топишни ўйлаб, гоҳида басма-басига "ким ўзар"га тез ҳайдашади. Айниқса бизнинг Шомоҳулумдан Хивага қатновчи "Дамас" ҳайдовчиларига тегишли бўлган машиналарга йўловчи миндими, энг аввало ҳайдовчи пулни эмас, йўловчини манзилига эсон-омон етказиб боришни ўйлаши керак. Кўп пул топган билан баракаси бўлмаса на фойда, оз бўлса ҳам, топган пулингизнинг баракасини Оллоҳнинг ўзи беради.

Агар машиналар билан қилинаётган бундай пойгаларни ДАН ходимлари назорат қилиб, бу ҳолга йўл қўйишмаса, таъқиқлашса, автоҳалокатлар камайиб, одамлар ҳам ҳаётдан бевақт кўз юмишмаган бўлармиди?!

Балки, менинг бу таклифим кўпчиликка эриш туюлар, аммо, сиз нима дейсиз азиз мухлис?

Хусинбой ОТАЖОНОВ,
Хоразм вилояти,
Хива тумани.

НАДОМАТ ФАСЛИ

ХАВОТИР

1-ҳикоя

Мен сени соғиндим. Бағринг бунча тош,
Бардошнинг кўзида милтиллайди ёш.
Бутун баҳоримни хазонрез айлаб,
Тош кўнглинг тўлдими,
сўйла, қаламқош.

Нигора калитни қўлига олиб, ётоқхона эшигига суянганча, ухлаб ётган гўдагига термулди. Ниҳоят, аста эшикни ёпди-да, овоз чиқармасликка тиришиб қулфладию, зиналардан пастга отилди.

Мактабга етгани ҳамон қўнғироқ чалинди.

Болалар синфга кириб келгунича у диктант дафтарларини парталар устига тарқатиб, доскага мавзуни ёзиб улгурди.

Матнни ўқиб бергач, соатига назар ташлади-ю, юраги шувиллаб кетди. Ўйидан чиққанига ярим соат бўлибди. "Иқболжон уйғониб, йиғлаётган бўлса-я! Тагини ҳўллаб, жиққа ҳўлда ётганмикин? Оёқ-қўлчаларини типирлата-типирлата йўргагини ечиб юборган бўлса-я!"

Болаларга диктант матнини ёздирар экан, хаёли қочиб, адашиб кетмаслик учун сўзларнинг тагига чизиб борар эди. Кўз ўнгида бир ёзув пайдо бўлди: "Севиб қолганга ўхшайман". Ўша сўзларнинг тагига чизиб, гўё ўз ҳиссиётининг қатъийлигини таъкидлаётгандек бўлганмиди у"?

Ҳар куни сутранг машинада сайру саёҳат, Каркидоннинг сўлим гўшаларида айтилган дил изҳорлари, қайикда сузиб, қўйланган ҳиндча қўшиқлар... Назарида у ширин кунлар Нигоранинг тақдирига абадий муҳрланадигандек эди. Лекин ёз охирлади-ю, Нигоранинг ширин ҳиссиётлари ҳам ниҳоясига етди.

Илҳом акаси Нигоранинг анор егиси келганини эшитган куниёқ юзига совуқ ниқоб тортиб олди. "Биринчи галда диссертациямни ҳимоя қилиб олишим керак, - чертиб-чертиб гапирарди у. - Ий-рўзғор, бола-чақа, ҳаммаси кейин бўлаверади".

Байрам куни сайрга чиқилганда айтган гаплари ҳаммасидан ўтиб тушди: "Мен сенга бола керак, деганмидим? Туғаётганингда ўласанми, қоласанми - шуни ўйласанг-чи!"

Кўз ёшларини ичига ютаётган Нигора қаршисида туриб, ён-веридан ўтаётган йўловчилардан ҳам тортинмай вайсаётган йигит бундан бир неча ой олдин висол илинжида кўз ёши қилиб, оёқларини ўпган Илҳом акаси эканлигига ишонгиси келмасди.

Нигора "ўзи пиширган ош"ни ўзи ичишга қарор қилди. Ўқишини сиртқига кўчириб, мактабдан дарс олди.

* * *

- Опа, матнни яна бир марта ўқиб беринг!

Китоб-дафтарларини сумкасига жойлагандан сўнг айтилган бу илтимосга жавобан Нигора биринчи партада ўтирган боланинг дафтаридан матнни яна бир карра ўқиб эшиттирди.

- Дафтарларни навбатчи йиғиштириб, шкафга солиб қўяди, - деб йўл-йўлакай тайинлади-ю, йўлакка отилди. Кўнглидаги ваҳима кучайгандан-кучайган эди. Хаёлида оёқ-қўлларини типирлатиб, йўргагини ечиб юборган гўдак чириллаб йиғлар, йўргаги тобора боши томон сурилиб, оғзи-бурнини тўсиб қўяр эди. Нигоранинг одимлари тезлашиб, нафаси қайтиб борар, уйи тобора узоқлашаётгандек туюларди.

* * *

"Катта чилла"си чиққан куни Нигора мактаб директори ҳузурига кириб, таътилини давом эттириш нияти йўқлигини айтди. Директор болалар уйида ўсган Нигоранинг саргузаштларидан хабардор бўлиб, унинг моддий аҳволини ҳам тушунарди.

- Эрталаб 5-синфларга бир соатдан, тушдан кейин 6-синфларга бир соатдан дарсга чиқсанг, боланги ҳам эплашинг мумкин, қизим. Аммо йўл сени қийнаб қўяди-да.

- Уйим яқин, йўл ҳеч нарса эмас, - Нигора дам кўз ёшларини артар, дам жилмаярди.

* * *

Зиналардан шошиб чиқаётган Нигоранинг хаёлида ўғли биғиллаб йиғлаб, каравотдан йиқилиб тушгандек даҳшат босар, эшикнинг очилиши қийинлашиб кетгандек эди.

Шоша-пиша ўзини ичкарига олиб, ётоғи эшигини очди-ю, енгил нафас олиб энтикиб, эшик кесакисига суяниб қолди: полапони, дўмбоғи, жажжигина кулча юзлари пуштиранг тусга кириб, пишиллаб ухлар, йўргаги жойида, уйғонмаган, йиқилмаган, жимжит хонада осойишталик ҳукмрон эди. Нигора астагина каравот пойига мук тушди-ю, йиғлаб юборди. Қани энди у ўғлини хотиржам, уйида ўтириб парвариш қилса, бир дақиқа ҳам ўғлидан узоқлашмаса! Қани энди у Илҳомнинг омонат ҳисларига энг покиза туйғуларини бахшида этмаган бўлса! Ёз ёмғиридек қисқа муҳаббат фаслидан сўнг узундан-узоқ надомат фасли келганини Нигора англаб етган, аммо энди кеч эди...

Хазонрез фасли келди, заррин
безаклар тақиб,
Олтинранг, ол баргларга тўлиб
оқар ариқлар.
Маъюслиги юксалган хиёбонларга
боқиб,
Юрагимда ортади армон тилган
оғриқлар...

- Аяжон, балиқларим ухлаб қолибди! - ўғлининг жарангдор овози уни ҳушига келтирди.

- Аяжон, менга эртага яна балиқ олиб беринг?

- Хўп, ўғилжоним. Сенга яна бешта балиқча олиб бераман.

- Йўқ, биттаси етади.

- Нега энди фақат битта?

- Мана бу оппоққинаси - "буви-балиқ", "қизили - "аябалиқ", митти қорачаси - "бола-балиқ". Менга "дада-балиқ" олиб берасиз.

Нигора бу гал кўзларини яшира олмади...

"АМАКИ"

3-ҳикоя

Оппоқ машина боғча эшигидан узоқлашди. Зулайҳо қий-чув кўтариб ўйнаётган болалар томонга хаёлчан тикилиб, Иқболжонни кузатар экан, дилидан: "Отасига қуйиб қўйгандек ўхшар экан. Қизиқ, отаси ҳам, онаси ҳам бир-биридан чиройли, маданиятли, ўқимишли. Муомалалари ажойиб, одам ҳавас қилади. Улар нега ажрашиб кетишган экан?" деган ўй кечарди.

Бирдан Иқболжон ўйинчоғини ташлаб, дўмбоққина қўлчаларини кенг ёйганча йўлак томон чопди:

- Аяжон!

Уни қўлига кўтариб олганча, йўл-йўлакай юз-бошларини силаб келаётган Нигора Зулайҳога юзланди:

- Мана, иш куни ҳам тамом. Эртага мазза қилиб дам оламиз. Бизникига меҳмонга келинг.

- Аяжон, бугун боғчамизга битта амаки келди. Менга кўп шоколад берди! - Иқболжон шоколадларини олиш учун шкафчаси томон чопқиллади.

Нигора савол назари билан Зулайҳога қаради. Зулайҳо шивирлади:

- Ҳар куни болалар ҳовлида ўйнаётган маҳалда бир киши шу ердан ўтар эди. Бугун кириб келиб, ўзини "Иқболжоннинг дадасиман", - деб таништирди.

Нигоранинг кўз ўнги қоронғилашиб кетди.

- Аяжон, ўша амаки менга "Аянгни хафа қилмагин", деди. Мен сизни хафа қилмайман-ку. У нега бундай дейди?

Нигора ўғлининг саволини жавобсиз қолдириб, кийинтира бошлади. Зулайҳо катта пакет узатди:

- Иқболжонга кийим-бош олиб келган экан...

- Зулайҳо, буни эгасига қайтариб беринг, илтимос. Ўғлимнинг ҳамма нарсаси етарли. Бировнинг нарсаси керакмас.

- Она-бола қўл ушлашиб боғчадан чиқишар экан, Иқболжон "амаки" ҳақида тинмай вижирларди:

- Аяжон "амаки"мнинг бўйи бала-анд экан, у мени осмонга кўтарди. "Чиройли бола бўлибсан" деб мақтади. "Кел ўғлим, бағримга босай", деди. Зулайҳо опам унга "Нигора опам ҳам ҳозир келиб қоладилар, бирпас кутиб тура қолинг", десалар, "Бошқа келаман", деб чиқиб кетди. Сал кутиб турса бўлмасмиди? Нега бекат томонга юрмаяпмиз?

- Пиёда кетамиз, ўғлим.

- Пиё қаердан келади?

- Жуда сергап бўлибсан, ўғилжоним. Бирпас жим юргин, мен озгина ўйлаб олай.

- Келинг, иккаламиз ўйлаймиз.

- Нимани?

- Сиз бувимни ўйланг, мен "амаки"ни ўйлайман.

- Ўғлим, ўша бегона амакини кўп ўйламагин. У боғчага иш билан келган, ҳамма болалар билан гаплашган.

- У мени яхши кўрди! Сизга ўхшаб қўли билан сочимни тараб, менга қараб ўтирди. Шоколадни ҳам битта менга берди. У яхши амаки-а, аяжон? Қўлимни қаттиқ қисиб олибсиз-ку, оғриб кетди. Вой, нега йиғлаяпсиз?!

- Кўзимга чанг кирди, болажоним.

- Ҳали амакининг кўзига ҳам чанг кирди. Бугун чанг кўп эканми, аяжон?

Иқболжон тушида ҳам ўша "амаки"ни кўрди. Тушида унинг баланд бўйлари кичрайиб-кичрайиб митти қўғирчоқдек бўлиб қолибди. "Мени олиб кет, ўғлим" деб ортидан югурармиш...

"ДАДА" НИМА ДЕГАНИ?

2-ҳикоя

Зулматни ёндирар тунлари оҳим,
Йўлларингда қолди сўник нигоҳим.
Сен менинг шоҳим, лек йўқ паноҳим,
Ишқим қайтиб олсин сендан Оллоҳим.

Хазонрез... Дераза ёнида ўтирган Иқболжоннинг юзлари маъюслашганини кўрган Нигора уни қучоғига олди.

- Аяжон, баргларга раҳмим келяпти.

- Нега, ўғлим?

- Шундай чиройли барглар қуриб, хафа бўлиб, ерга тўкилиб ётибди. Одамлар баргларни босмай юрса бўлмайдими?

Нигора унинг тўсдай қора сочларини бармоқлари билан таради.

- Ҳаёт ўзи шунақа-да, болажоним. Кузда барглар тўкилади, лекин баҳорда яна янгитдан чиқади.

Иқболжон унинг гапларини оҳангга солди:

- Ҳа-ёт ў-зи шу-на-қа... Аяжон, "дада" дегани нима?

- Буни нега сўраяпсан?

- Кеча Манзура холам кир ёяётганларида қистирғичларини ушлаб турагандим. Анвар ўйнагани чақирди. Аяси уни уришиб, "Иқболнинг дадаси йўқ. Дадасиз бола билан ўйнамайсан", - деди. Кейин Манзура холам унга: "Иқболда нима айб, ҳаёт ўзи шунақа-да", - дедилар.

Нигоранинг кўзлари ялтиради.

- Ўғилжоним, қайсидир бола аяси билан яшайди, кимдир дадаси билан яшайди. Ҳамма оила ҳар хил бўлади. Мана, сен билан мен битта оиламиз. Алишер аканг, Умида опанг, Муслима ҳам бир оила. Сенинг даданг бўлмаса ҳам, бувинг борлар. Менинг холам сенга бувижонку. Анварнинг дадаси бор, лекин бувиси йўқ. Бувиси йўқлигини Анварга ҳеч ким таъна қилмайди-ку. Яхшиси телевизорни қўйгин, ҳозир мультфильм бошланади. Мен иссиқлаб кетдим, юзимни ювиб чиқай...

Нигора юзини ювиб чиққанидан кейин ҳам кўз ёшлари тўхтамади. Юраги симиллаб оғрийди-ю, бўғзига бир аччиқ нарса тиқилади. Кўз ёшларининг адоғи йўқ: томаверади, томаверади... Дафтарга эса маҳзун сатрлар терилади:

"СПЕКТАКЛЬ"

4-ҳикоя

Иқболжон йўлак ойнасидаги аксига қараб, ўзи билан ўзи гаплашар эди:

- Айов, айов.

- Ҳов, ҳов.

- Акмални қаранг.

- Нима қиляпти?

- Тўпимни олиб қўйди.

- Акмал, тўпини бер!

Нигоранинг қараб турганини билиб, унга илжайди:

- Кўрдингизми, мен сизга спектакль қўйиб бердим. Нигорага олиб чиққан "кўчма ярмарка"сини йиғиштириб, катта сумкага жойлаётган Тўхта хола таажжубланди:

- Вой, бу зумраша спектаклни қаердан билади?

Нигора кулди:

- Бунингиз менга ҳар куни қўғирчоқ театри қўйиб беради.

Иқболжон Тўхта холага "бойликлари"-ни бир-бир кўрсатди:

- Бу қутидаги қўғирчоқлар "Қизил шапкача"ники, мана бу магнитли қўғирчоқлар "Шолғом"ники. Мана бу тиллақош таққан қиз Маликаи Хуснобод.

- Вой асалтойим, сен нега кўчада тўполон қилиб юрмайсан, десам, буларни ўйлаб кунни кеч қиларкансан-да. Ўқишни ҳам биларсан?

- Холажониси, бунингиз олти ойлигидан бошлаб "ўқиган". Чақалоқлигида ошхонада овқат қилсам, буни каравотига қорни билан ётқизиб, олдига "Криминалистика" деган катта китобни қўйиб берардим. Овқатни қовуриб чиққунимча китобни гоҳ бу ёқдан - у ёққа, гоҳ у ёқдан - бу ёққа варақлаб ётар эди.

Тўхта хола уларни дуо қилиб, юзига фотиҳа тортгач, ўрнидан қўзғалди. Нигора уни кузатди-да, ўғлини кийинтиришга тушди:

- Балиқча олгани борамизми, ўғлим?

- Борамиз, "дада-балиқ" оламиз!

Иқболжоннинг севинчи ичига сиғмай, зиналардан сакраб-сакраб тушаркан, онасига қалдирғочдай вижирлар эди:

- Аяжон, қаранг, тез юрганимдан шапкамнинг бобончиги ликиллаяпти!

Секинлик келаётган сутранг машина тўхтаб, ундан тушган баланд бўйли киши йўл четида қўл ушлашиб кетаётган онабола томон юзланди. Унга кўзи тушган Иқболжон онасининг қўлидан чиқиб, у томон чопқиллади:

- Амаки!

У Иқболжонни даст кўтариб, бағрига босди. Сўнг битта-битта одимлаб, Нигора томон кела бошлади. Нигоранинг ранги оқарди. Рўпарасида... Тамаки ҳидини анқитиб Илҳом турарди! Уч ой уни "самоларда учирган", кўнглига ширин туғёнлар солган, сўнг ... осмону фалакдан ерга уриб чилпарчин қилган, орзулар дунёсидан армонлар оламига тушириб қўйган Илҳом... Ўзгариб кетибди. Қовоқлари салқиган. Чакка сочларига оқ оралаган... Бир вақтлар Нигоранинг қалбига чўғ ташлаган қора кўзларидан нур қочган... Беш йил шунчалар кўп, шунчалар узоқ муддат эканки, инсон қиёфасини ўзгартиришга етгулик давр экан...

Нигора унинг бағрида турган ўғлига қўл чўзди.

- Нигора... Ҳатто сўрашгинг ҳам келмайди-я...

Нигора саволни жавобсиз қолдириб, ўғлига юзланди:

- Юр, ўғилжоним, уйимизга кетайлик.

- "Дада-балиқ" олмаймизми, аяжон?

- Бошқа сафар оламиз.

- Аяжон, амакини танидингизми? Менга шоколад берган амаки!

- Йўқ, танимадим, ўғлим.

Илҳом ўғлининг жажжигина, миқтигина жуссасидан кўзини узолмай турар, "Ўғлим" деб ҳайқиргиси келади...

Нигора бугун бегона ролини кўнгилдагидек ижро этган эди...

Ирода ХАМРОЗ.
Фарғона шаҳри.

1989 йил туғилганман. Мен чизмачилик ва инглиз тили фанларига жудаям қизиқаман. Бўш пайтларимда мусиқа тинглайман. Айниқса, "Back street boys" ва B.Spears қўшиқларисиз ҳаётни тасаввур қилишим қийин. Россияда, Монтана, Флорида шаҳларида дўстларим бор. Улар билан хат орқали гаплашиб турамиз. Мен келажакда Жаҳон тиллари университетида ўқимоқчиман. "Оила ва жамият" орқали кўплаб дўстлар орттирдим. Улар ҳар хил вилоятлардан. Дўстликни қадрлайман.

Дильнурий ФАЙЗУЛЛАЕВА,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Кўнғирот шаҳри,
Беруний кўчаси 27-уй.
Инд: 743800

Ҳаётда жиддий ва камтарин инсонман. Шиорим: "Интилганга толе ёр". Хоббим: шеър ёзиш ва интернет. Яқинда илк шеърий тўпламимни чиқармоқчиман. Ёқтирган рангим яшил ва пушти. Хонандалардан Райхона ва Ёдгорни ёқтираман. Самимий, дилкаш ва шеъриятга ошно инсонлар билан дўстлашмоқчиман.

Майли фақир, нотавон, бечора бўлсин,
Йўлларда мажнуну, девона бўлсин.
Дўстликка ҳеч қачон давлат керакмас,
Фақатгина кўнгли тоза бўлса бас.

Сарвиноз ПИРМАТОВА,
Фарғона вилояти,
Данғара тумани,
Топтиқсарой қишлоғи,
Истиқбол маҳалласи. Инд: 713250.

1989 йил "ҳут" буржи остида таваллуд топганман. Шеърлар машқ қилиб тураман. Матбуотда эълон қилинган шеърларни мунтазам равишда қузатиб бораман. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида чоп этиб бориладиган шеър ва шеърият қонун қоидалари ҳақидаги мақолаларни ўқиб бораман. Тўғри, келажакда шоира бўлиш ниятим ҳам, шоириликка давоим ҳам йўқ. Лекин одам ҳаётда ўзини турмуш ташвишларидан, муаммоларидан чалғитиб турадиган бирон-бир овунчоғи бўлиши керак. Ҳеч нарсага эътиборсизлик билан қаролмайман. Оқ ва қизил атиргулларни ёқтираман. Кашта тикиш, қуроқлар тикиш ва суратлар тўплаш менинг хоббим. Бирдан-бир орзуим шифокор бўлиш. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида дўстларим кўп бўлишини истайман.

М. БОЕЧАЕВА
Самарқанд вилояти
Нуробод тумани,
Жом Қишлоғи,
Жом маҳалласи. инд: 704943

1987 йил 31 майда таваллуд топдим. Ҳозир Паркент туманидаги 1-умумий ўрта мактабнинг 11- "а" синфида таҳсил олаяпман.

Мен табиатан хушчақчақ қизман. Бўш вақтларимда мусиқа тинглаш, қизиқарли китоблар ўқишни ёқтираман. Кўпинча газеталардаги ҳаётий воқеалардан таъсирланиб кетаман. Шунинг учунми ўзимни баъзида бадиий қаҳрамонлар ўрнига қўйиб кўраман. Ҳаётда ноҳақликларга дуч келиб қолсам ўзимни тутолмайман. Тўғри-да бу дунёда ҳаёт ҳақида ҳар кимнинг ўз фикрлари, қарашлари бўлиши керак.

Хоббим - теннис, **спорт** - волейбол, **фан** - инглиз ва рус тили.

Хадича МИРСОЛИҲОВА,
Тошкент вилояти,
Паркент тумани,
Зокир Салимов кўчаси 12-уй.

Бегона вафо қилса - қариндошдир" номли мақола муаллифи самарқандлик мухлисингиз Баҳром Истамқулов", "Одам борки - одамларнинг нақшидир" мақоласини ёзган Тошкентлик Суннатуллоҳ Аҳмадалиевлар билан танишиш истаги пайдо бўлди. «Оила ва жамият» орқали улар билан дўстлашиб оламан деган умиддан.

Рўзигул ХУШВАҚТОВА,
Самарқанд вилояти,
Нуробод тумани,
Маданият маҳалласи,
Б.Турсунов кўчаси 14-уй.

1987 йил 14 июнь куни Паркент шаҳрида туғилганман. Ҳозирда 1-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфида ўқийман. Бошқа вилоятлардан дўстлар орттиришни хоҳлайман. Тўғриликни, одилликни қадрлайман.

Ф.ЖЎРАЕВА,
Тошкент вилояти,
Паркент тумани,
М.Мирсаидов кўчаси 6-уй.

Ёшим 14да. Бўш вақтларимда расм чизаман. Бошқотирма тузиш ҳаётимдаги хоббига айланган. Дўст орттириш ниятида мактуб ёзмоқдаман. "Оила ва жамият" газетаси орқали Зебо Тошева билан танишган эдим. Ана шу каби дўстларим сафини кенгайтириш ниятидаман.

Ҳилола ХАМРОЕВА,
Навоий шаҳар,Халқлар дўстлиги,
144-"а" уй, 14-хона.Инд: 706800

1987 йил 1 августда Паркент шаҳрида туғилганман. Ҳозирда 1-мактабнинг 11-"а"синфида ўқияпман. Келажакдаги орзуим ҳуқуқшунос бўлиш. Ҳуқуқшуносликни, софдилликни, тўғрисўзликни қадрлайман. Ҳаётдаги шиорим "Эгилганга эгил - керилганга керил".

Гулноза ОБИДОВА,
Тошкент вилояти,Паркент тумани,
М.Бобоев кўчаси 79-уй.

1988 йил 21-сентябрда туғилганман. Ҳозирда 10-синфда ўқийман. Менга Лола, Шаҳзода, Феруза Жуманиёзова, фильмлардан "Севинч", "Шайтанат" ёқади. Қиш фаслида қор ёғишини интизорлик билан кутаман. Орзуим: "Севиб-севилиб яшаш".

Жаҳонгир ТЎРАБОЕВ,
Тошкент вилояти,
Паркент тумани,Кўличи кўчаси,Олмазор маҳалласи №7.

Салом! Исмим Дилшод. Мен самарқандликман. "Туризм" коллежининг 3-курсида таҳсил олмоқдаман. Футболнинг ашаддий мухлисиман. Дўстларим кўп бўлишини истайман. Интернет орқали кўп дўстлар орттирганман. Ушбу хайрли ишни яна давом эттириш ниятидаман.

Интернетдаги манзилим
"dilshod1986kh@rambler.ru"
Самарқанд вилояти,
Жомбой шаҳри,
Тошкент кўчаси 3/21.

1985 йил 12 сентябрда туғилганман. Ҳозирда Банк коллежида сиртқи бўлимда ўқиб, Паркентдаги халқ банкида иш фаолиятимни юритяпман. Ҳинд фильмлари жону дилим. Севинч Мўминова ва "Сетора" гуруҳи менга жуда ёқади. Бўш вақтларимда газета ўқийман, футбол ўйнайман. Ўзбекистоннинг кучли командаларидан "Нефтчи" жамоасининг ашаддий мухлисиман. Улар иштирокидаги ҳар бир ўйинни мириқиб томоша қиламан. Ўзбек футболининг довруғи олам бўйлаб таралишини жуда-жуда истайман. Қолаверса, яхши дўстлар билан суҳбат қуришга, улар билан дийдорлашишга ҳамиша ошиқиб яшайман. Доноларимиз айтганидек:

Аҳли ислом учун имондан кейин,
Дўстликдир амали солиҳ афзали.
Қадрдон дўстлари билан фахр этар,
Чинакам мўминлар маҳшар маҳали.

Ж. МИРЖАМОЛОВ,
Тошкент вилояти,
Паркент тумани, Истиқлол маҳалласи Халқ банки.

Азизим "Оила ва жамият"! Биз сенинг ҳар бир сонингни қолдирмай ўқиб борамиз. Чунки сен туфайли юртимизда қанчадан-қанча кишилар ўз дўсту дугоналарини, бахту ёрларини топишмоқда. Бизлар ҳам узоқ-узоқ вилоят, туманлардан дўст-дугона топиш орзусида сенга мактуб ёзишга аҳд қилдик. Биз билан дўстлашмоқчи бўлган кишилар мактуб ёзсинлар. Сенинг пурҳикмат саҳифаларинг бундан-да теран, бундан-да мушоҳадали, ҳаётбахш бўлишини тилаган ҳолда, сенга омад тилаб, мухлисаларинг **Муҳаббат** ҳамда **Дилафрўз.**

Қашқадарё вилояти,
Нишон тумани 32,
Гулистон жамоа ширкат хўжалиги
инд. 731035

Менинг энг яқин дугонам Ферузахон. Унинг ғойибона дўстлари кўп. Дугонам сингари мен ҳам дўстларим кўп бўлса, дейман. Бу орзуимни фақат "Оила ва жамият" газетаси орқали ушалишига амин бўлдим. Қашқадарё вилояти, Китоб тумани, Варғанза қишлоғида яшовчи дўстим Аҳмаджон Тўрақулов иккимиз билан дўстлашмоқчи бўлган тенгдошларимиз мактубларини кутиб қоламиз.

Дилором МАДАЗОВА,
Тошкент вилояти,
Ангрен шаҳри,
Дукент маҳалласи,
Шароф Рашидов кўчаси 217-уй.

Ёшим 22 да. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан тенгдош дўтларим бўлишини, улар билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишни жуда хоҳлайман. Улар билан дилдан суҳбат қуриб, хабарлашиб турсак дейман. Бўш вақтларимда мусиқа тинглаб, китоб мутолаа қиламан. Ягона мақсадим кўпгина дўстларим бўлса. Бу орзуимга севимли газетам орқали албатта эришаман деган умиддаман. Мен билан дўст бўлишни хоҳловчиларнинг хатини интизорлик билан кутаман.(Суратингизни ҳам юборишни унутманг).

МАВЖУДА.
Бухоро вилояти,
Шофиркон тумани.
Талаб қилиб олиш учун. Бош почта бўлими.
Инд: 706514

Гўзал фасллардан бири бўлмиш ёз фаслининг 1986 йил 13 июнида дунёга келганман. Ҳаётда жуда кўп нарсаларга қизиқаман. Келажакдаги орзуим адвокат бўлиш. Ҳуқуқ соҳасида чоп этиладиган газета ва журналларни мунтазам равишда ўқиб бораман. Ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб топаман. Инсонни бахтсизлика учраши ёки арзимаган бир муаммони ҳам ҳал қила олмаслиги кўпинча ўз ҳақ-ҳуқуқини, қонунни яхши билмаслигидан келиб чиқади. Ўзбек эстрада хонандаларидан Лола, Райҳон, Шаҳзода, Шохрух, Ёдгор, Шароф ва бошқалар ёқади. Рус эстрадасидан Руки ВВерх, Корни, Иванушки, Андрей Губин ҳам севимли хонандаларимдир. Ҳинд ва жангари фильмларни севиб томоша қиламан. Турк эстрадасидан Таркан, Буржу Гунеш, Эмрах, Абдурахмон Чечен ва бошқаларнинг қўшиқларисиз ҳаёт гўзаллигини хис этиш мушкул.

ФИРДАВС,
Тошкент вилояти,Паркент тумани,
А.Навоий шох кўчаси,4-дом, 3-квартира.

Мен 1956 йил 17 майда туғилганман. Турмуш ўртоғим Худойбердиева Зулхумор 1957 йил 1 майда туғилган. Касби-кутубхоначи. 5 нафар фарзандимиз бор. 2 қизим турмушга чиқиб кетган, 2 қизим ва ўғлим мактабда ўқишади. 4 неварам бор. Ўзим "Кўпаки" Алоқа бўлимида 16 йилдан буён хизмат қиламан. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, кўпни кўрган яхши инсонлар билан оиламиз дўст бўлмоқчи.

Дўст қидир, дўст топ жаҳонда
Дўст юз минг бўлса оз.
Кўп эрур бисёр душман,
Гар бўлса у, бир дона ҳам.

Ш. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Самарқанд вилояти,
Пайариқ тумани,
Янгиобод ш.х, Кўпаки А/Б
икд: 704416.

Мен 1984 йил эгизаклар буржи остида туғилганман. Бизнес марказининг бухгалтерия ва аудит соҳасини битирганман. Спортга жуда қизиқаман, айниқса спортнинг Бодибилдинг турига. Газета, китоб ўқишни, кроссворд ечишни, мусиқа тинглашни ёқтираман.

Севган хонандаларим Таркан, Тату. Чунки уларнинг қўшиқларини тинглаганимда ўзимни орзулар оғушида кўраман. Бу дунёнинг ташвишларин унутаман.

Агар дўстинг ёнингда бўлса,
Қулоқ солса ҳар бир сўзингга.
Ёлғон қўшмай сўзласа у ҳам,
Тикка боқиб туриб кўзингга.

Агар дўстинг ёнингда бўлса,
Ҳиёнатлар қилмайди таъсир.
Ёмонларнинг ўтмайди заҳри,
Душманинг ҳам ололмас асир.

Сарвар ТОШМУРОДОВ,
Қашқадарё вилояти,
Шаҳрисабз шаҳри,
Ўзбекистон ж/х,Янгибоғ
қишлоғи Инд: 731725

Мен 1984 йилнинг 18 мартида навқирон ва азим шаҳар Бухорода балиқ (ҳут) буржи остида таваллуд топганман. Маълумотим-ўрта махсус. Мутахассислигим-ҳуқуқшунос-иқтисодчи. Бадиий ва ҳуқуқий китоблар ўқиш жону-дилим. Спортнинг волейбол ва стол тенниси турларига қизиқаман. Сир сақлашни яхши кўраман. Алдоқчи, фирибгар, иккиюзламачи инсонлардан нафратланаман. Инсон ҳаётидаги энг ноёб нарса-унинг ўзгалар билан дўстлигидир. Шундай экан, менга ёши, маълумотидан қатъий назар ҳамфикр, самимий, беғараз дўстлар мактуб йўллашини интизорлик билан кутиб қоламан.

Дўст дема ғар нозу -неъмат устида,
Урса лоф: "Дўстимсан, азиз, меҳрибон"
Дўст удир-дўстига чўзади қўлин-
Дўсти бўлганида ночор, нотавон.

Феруза УМУРОВА,
Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри,
А.Набиев кўчаси, 117-уй

Саҳифани Нигора ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

СОҒЛОМ ФАРЗАНД КЎРИШНИ ИСТАСАНГИЗ ЧЕКМАНГ!

Тадқиқотчиларнинг аниқлашича чекиш ҳар бир инсоннинг фарзанди ва ҳатто набирасига ҳам таъсир қилар экан.

Энг ёмони шундаки, сигарета тутунларининг таъсири бир неча йилдан кейин ҳам билиниши мумкин, масалан, соғлом фарзандни дунёга келтирган онанинг қизидан туғилган фарзандида, неварасида бувисининг ютган тутунлари таъсири остида юрак қон томири фаолиятида нуқсони бор фарзандлар туғилиши аниқланган.

Шунинг учун фарзанд кўришни истаган аёл энг аввало ўз танасини никотиндан тозалаши лозим бўлади. Эркакларда сперматазоидлар таркиби ҳар уч ойда янгиланиб турса, улардан фарқли ўлароқ аёлларидаги тухумдонларнинг таркиби бир неча йил давомида ўзгармаслиги аниқланган. Шу жумладан токсинлар таркиби ҳам ўзгармайди. Кўпгина чекувчи аёллар тутунни ичларига тортадилар-да: "Жуда кўпчилик чекади. Ўзлари ҳам, фарзандлари ҳам соппа-соғ-ку", - деб ўйлашади. Аслида шундай ўйлаш жуда нотўғри. Айнан ана шу чекишнинг асорати туфайли ҳомиладорлик пайтида аёлнинг кўнгил айниши узоқ вақтгача давом этиши, вазни меъёридан кам фарзанд туғишига, ёки вақтидан олдин туғишга, боланинг бирор камчилик билан туғилишига сабаб бўлиши аниқланган. Туғилган фарзанди жисмонан ожиз, ақлан заифроқ бўлиши, ҳар хил касалликларга бошқаларга нисбатан тезроқ чалиниши кузатилган. Чекадиган аёлнинг бир литр кўкрак сутида 0,5 миллиграммгача никотин борлиги аниқланган. Ундан ташқари она сутининг таъми бузилиб, бола онанинг сутини эммай қўяди. Ундан ташқари сигаретадан чиқадиган тутуннинг таркибида радиоактив полоний моддаси бўлиб, шу элемент кашандаларнинг танасида саратон хасталиги пайдо бўлишига асос бўларкан. Тамаки тутуни оқибатида инсон танасида мингдан ортиқ ҳар хил нуқсонлар пайдо бўлиб, ўз навбатида бу нуқсонлар наслнинг бузилишига олиб келаркан. Бир наслда пайдо бўлган нуқсонлар албатта келажакда пайдо бўладиган зурриёдларига бемалол ўтиши мумкинлиги аниқланган.

Чекувчиларда кўпинча бола тушиш ҳолатлари тез-тез қайд этилган. Бу кўпинча ҳомиладорликнинг биринчи ҳафтасида кузатилган.

Соғлом фарзанд кўришни истаган аёл, бир йил олдин чекишни ташлаб, ўз танасини никотин ва ҳар хил токсинлардан тозалаши лозим экан. Бўлажак она соғломлаштирилиб, шундан кейингина ҳомиладор бўлиши керак. Акс ҳолда соғлом фарзанд ўрнига ногирон фарзанд кўриши мумкин.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, кунига бир қути сигарет чекадиган аёлнинг танасини никотин ва токсинлардан батамом тозалаш учун камида беш йил муддат керак экан. Шунингдек, чекишга муккасидан кетмасдан вақтида ўзларини назорат қила олсалар, қуйидаги маслаҳатлар асқотиши мумкин экан. Хуллас кашанда аёлларга маслаҳат:

1 Кўп чекувчилар кунига камида 1 литрдан сув ичишлари шарт. Шу сув танадан токсинлар чиқиб кетишини тезлаштиради. Шу билан бирга буйрак фаолиятини яхшилаб, сийдик таркибидаги никотинларни камайтиради.

2 Сигаретанинг охирги қисмида унинг тутуни қуюқлашиб, зарари ҳам кучаяди, шунинг учун уларнинг охиригача чекмасдан яримидан ташлаб юборинг.

3 Иложи бўлса, кўмирли фильтри боридан чекинг. Шунда кўмир сигаретадан чиқадиган кўпгина зарарли моддаларни ўзида асраб қолади.

4 Сигаретани оғзингизда узоқ ушлаб турманг. Шунда ундан чиқадиган токсинли газлардан лабларингиз ва бетингиз терисини асраган бўласиз.

5 Спортнинг енгил турлари билан шуғулланиб туринг.

6 Ментолли сигареталардан асло фойдаланманг. Сабаби, ментол токсик моддаларни янада кучайтириб юборади. Оқибатда унинг таркибида танани емирувчи моддалар пайдо бўлади.

7 Кўпроқ ҳўл мевалар, полиз экинлари, сабзи, шолғом, саримсоқпиёз ва апельсин истеъмол қилинг.

8 Иложи борича кўпроқ кўк чой ичинг. Айнан кўк чойнинг таркибида ўпка йўлларини никотин ва токсинлардан тозаловчи моддалар бор.

9 Витаминлар кўпроқ қора смородина, ўрик, анжир, узум, олма, нок, қовун, қовоқ, карам ва кўкатларда бўлади.

Лола АҲМЕДОВА тайёрлади.

ЧЕКИШНИ ОСОНГИНА ТАШЛАЙСИЗ...

Мен 25 йил аввал сигарета чекишни ташладим. Чекишни ташлай олмай қийналиб юрганларга ўзим қўллаган усул маъқул келади. Мен шундай қилганман.

Фақат бунинг учун муштукка ўтиш керак. Бунинг учун ишхонада, уйда чўнтакда юмалоқланган пахталар олиб юришга тўғри келади.

Ҳар гал чекканингизда муштугингиз найчасига нўхотдек келадиган юмалоқ пахтани тиқиб қўйинг. Бир ҳафта сигаретни шундай чекинг. Пахта тутундаги никотинни ва тамаки чангини ўтказмайди. Иккинчи ҳафтада иккита юмалоқланган пахта, учинчи ҳафтада эса учта, тўртинчи ҳафтада эса 4 та бўлак пахтани муштукка тиқасиз. Шундай қилиб муштугингиз найчасининг 85-90% пахта билан тўлади ва никотин билан тамаки чангини деярли ўтказмай қўяди. Бу орада ўзингиз ҳам сигарет чекишга иштиёқ сезмай қоласиз. Буни 4-5 ҳафта давомида қилиш бир ойдан сўнг чекишни ташлаш мумкин.

Сайимжон Ўроқов.

БЕЛИМ ОҒРИМАСИН

Радикулит - орқа миянинг асаб илдизлари ва улардаги асаб толалари касаллиги бўлиб, периферик асаб тизимининг энг кўп тарқалган хасталигидир. Радикулит билан оғримаган киши ҳаётда кам учрайди. Умуртқа поғоналари ҳосил қилган суякдан иборат умуртқа каналида орқа мия мавжуд бўлиб, ана шу орқа миядан 31 жуфт асаб илдизчалари чиқади. Улар умуртқа каналидан ингичка суяк теларда ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ҳам учраши мумкин. Олимларнинг таъкидлашича бунга кўпинча она қорнида ҳомила суягининг яхши ривожланмагани ёки турли туғма нуқсонлар сабаб бўлади. Бола туғруқ йўлидан ўтаётганда қийналиб, бўйин умуртқаси жароҳатланиши мумкин. Шу боис чақалоқ шикастланмаслиги учун ҳомиладор аёл диспансер усулида шигидан чиқиб тери, мушак бўғим ва суякларни бирлаштиради. Бел-думғаза тутамалари тармоқларида танадаги энг йирик асаб-эгарсимон асаб ҳосил бўлади. Радикулитга кўпинча умуртқа поғонаси касаллиги (остеохондроз) сабаб бўлиб, бунда амортизация ролини ўйнайдиган умуртқалараро диск эластиклигини йўқотиб мўрт бўлиб қолиши кузатилади. Диски ўзгарган умуртқаларнинг бириккан жойида туз йиғилиб, суяк ўсиши (остеофитлар) таъкидланади. Ўсиб чиққан суяк ўсимталари умуртқа орасидан ўтадиган асаб илдизчаларини сиқиб қўйиши оқибатида оғриқ пайдо бўлади. Қайси асаб илдизчанинг зарарланганига қараб, радикулит ҳар хил турларга бўлинади (бўйин радикулити, кўкрак радикулити ва белдумғаза радикулити). Энг кўп тарқалган турларидан бири белдумғаза радикулитидир. Бунда бел-думғаза соҳаси ҳамда қўймич асаби бўйлаб ҳар хил оғриқ пайдо бўлади ва қимирлаган пайтда оғриқ янада кучаяди. Бел оғриғи асрлар бўйи барчанинг диққат марказида бўлиб келган. Ҳакимлар, табиблар, шифокорлар бу дардга даво чораларини қўллаб кўрган. Машҳур табиб Абу Али ибн Сино қуйидагиларни орқа (бел) оғриғи сабаблари, деб ҳисоблаган: "Мижознинг совушидан, ҳом балғамдан, кўп чарчашдан, кўп жинсий яқинликдан, буйрак кучсизланишидан, умуртқа жойлашган катта томир кўп тўлганидан, ўпка найида шиш ва чиқиқ чиққанда, "бачадон бўғилиши"да туғиш олдида бел оғрийди..."

Ҳозирги вақтда бел оғриғи фақат катта ёшли кишиларда ёки кексаларда эмас, балки, ёшларда ҳам учрамоқда. Маълумки, умримизнинг кўпини тик оёқда ўтказамиз. Тик турганимизда, юк кўтарганимизда, жисмоний иш қилганимизда, сакраганимизда, ҳатто ўтириб ишлаганимизда асосий оғирлик белимизга тушади. Бел умуртқаси бошқа умуртқаларга қараганда тез касалланади (турли инфекциялар, шамоллаш спиртли ичимликлар ва чекиш орқали заҳарланиш, оғир юк кўтариш, жисмоний зўриқиш, жароҳат олиш ва бошқа нохуш ҳоллар ҳам умуртқанинг бўйин ва бел қисмига таъсир қилиб, уни касаллантиради). Бел оғриғи кўп тик туриб ёки ўтириб ҳамда зах жойларда ишлайдиган кишиларда, ангина билан тез-тез оғриб турганларда, кексаларда кўп учраши кузатилади. Умуртқа поғонаси касалликлари чақалоқларда, эмизиқли гўдакларда ва мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ҳам учраши мумкин. Олимларнинг таъкидлашича бунга кўпинча она қорнида ҳомила суягининг яхши ривожланмагани ёки турли туғма нуқсонлар сабаб бўлади. Бола туғруқ йўлидан ўтаётганда қийналиб, бўйин умуртқаси жароҳатланиши мумкин. Шу боис чақалоқ шикастланмаслиги учун ҳомиладор аёл диспансер усулида назоратда бўлиши зарур. Ҳомиладор аёллар кўпроқ тоза ҳавода, ҳаракатда бўлишлари, тўғри овқатланишлари, ҳомиланинг қорнида жуда катта бўлиб кетишига йўл қўймасликлари зарур. Аёллар ҳомиладорлик даврида тор-танқис кийимлар, шим кийиб юришлари мутлақо мумкин эмас. Бола она қорнида яхши ривожланиб, эсон-омон соғлом туғилгандан кейин, гўдакни тўғри парвариш қилиш, соғлом қилиб ўстириш, тўғри тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

ДЕСАНГИЗ...

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР:

1 Бел оғриб қолмасин десангиз совуқ ва зах жойда ўтирмаслик, кескин ва нотўғри ҳаракат қилмаслик, бел терлаганда шамол теккизмаслик, куч етмайдиган оғир юкларни бирдан кўтармаслик.

2 Мабодо бел оғриб қолса, ўзича даволанмасдан, дарҳол шифокорга бориш керак (невропатолог, мануаль-терапевт).

3 Беморга гўштли, шўр, аччиқ таомларни чеклаб бериш лозим. Зарарли одатларга ружу қўймаслик зарур.

4 Бел оғриғи тутганда ётиш керак. Шифокор тавсиясига биноан яллиғланишга қарши ва оғриқ қолдирувчи дори-дармонлар қабул қилиб туриш, белга горчичниклар, грелка қўйиш, ийлаш, иссиқ ва қайноқ ванналар қилиш тавсия этилади. Агар бел оғриғи сурункали турга ўтса, у вақтда сиҳатгоҳ ва курортларда даволаниш керак бўлади.

5 Ҳамиша қоматни тик тутишга ҳаракат қилинг, агар узоқ туриб ёки ўтириб қолсангиз - албатта, ундан сўнг бироз дам олинг. Баланд пошнали пойафзалда 1-2 соатдан ортиқ юра кўрманг.

6 Ҳар қандай ишни бажарганингизда белни максимал даражада вақти-вақти билан уни ўзгартириб туринг. Нотўғри, ноқулай ўтиришни иложи борича камайтириб, 1 соат ўтгач, ўрнингиздан туриб юринг, ҳар замонда ўзингизни орқага ташланг, чўзилинг.

7 Ётганда жойингиз текис бўлиши керак. Чалқанчасига ёки ёнламасига узоқ ётманг, бошингиз қатъий букилган бўлмасин.

8 Оғир юкларни силтаб ва бир қўлда кўтарманг. Юк кўтаришда албатта белни эмас, оёқларингизни букиброқ кўтаринг.

9 Жисмоний тарбия ва спорт - бел оғриғи дардини олдини олишнинг энг ажралмас қисми эканлигини эсда сақланг.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

МАСЛАҲАТЛАР

Қон босимим ошиб кетганлиги боис йиллар давомида дори ичишга мажбур бўлардим. Кейинги икки йил давомида эса қон босимимни табиий махсулотлар билан ўзим даволайдиган бўлдим. Лавлаги шарбатини тенг миқдордаги асал билан аралаштириб бир кунда уч маҳал, уч қошиқдан истеъмол қиламан. Бундан ташқари сабзи шарбатини кунига уч маҳал бир ош қошиқдан ичаман.

Шунингдек, саримсоқпиёзнинг 20 бўлакчаси, 5 бош пиёз, уруғсиз, пўстидан ажратилган 5 дона лимонни 1 кг. шакар билан аралаштириб, устига 2 литр қайнатиб совутилган сув қуйиб қўяман. 10 кун давомида қоронғу жойда сақлаб, ҳар замонда чайқатиб қўяман. Қўлбола усулда тайёрланган ушбу дорини ҳар куни уч маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичиб юраман. Қон босимим эса умуман безовта қилмайди.

* * *

Кўзларнинг остида пайдо бўладиган халталарни ўзим синаган икки усул билан даволайман. Дорихонадан қирқбўғим ўтидан олиб 2-3 ҳафта давомида шундай дори тайёрлашни ўрганиб олдим. 4 ош қошиқ қирқбўғим ўти устига 2 стакан қайноқ сув қуяман-да, бир соатдан кейин сузиб олиб, кун давомида майда қултум билан ичиб юраман.

Шу билан бир вақтда кечқурун кўзимнинг остига чойнинг шамасини дока билан 20-25 дақиқа қўйсангиз ҳам, яхши фойда беради. Юз терим жуда ёғли бўлгани сабабли ҳамиша упа сепиб юрсам-да, бурним ялтираб тураверади. Тухум ва сули ёрмасидан ниқоб тайёрлаб сура бошлаганимдан кейин теримдаги ёғланиш камайиб, ялтирамайдиган бўлди.

Бу ниқоб шундай тайёрланади: юзни тозалаб артиб олиб, юпқа қилиб кунгабоқар мойи, сўнг кўпиртирилган тухум сурилади. Ушбу ниқобни 20 дақиқадан кейин совуқ сув билан ювиб ташланади.

Ҳамида.

- Кўзимга тез-тез говмичча чиқиб туради. Давоси борми?

Турсуной,
Қувасой шаҳри.

- Говмичча кўз қовоғидаги ёғ безларига йириングлатувчи микроблар тушишидан пайдо бўлади. Говмичча чиқишидан олдин қовоқнинг чети сал шишиб, санчиб оғрийди, қизаради. Говмичча энди пайдо бўлаётганда кўз қовоғига бриллиант кўки (зелёнка)нинг спиртдаги 1 фоизли эритмасидан 2-3 марта суртилса тузалади. Авж олган пайтда эса уни сульфацил натрий (альбуцид) кўз томчи эритмаси билан ювиб туриш ҳамда, иссиқ тутиш тавсия этилади. Кўз қовоғи четларига 30 фоизли альбуцид мази, 1 фоизли сариқ симоб мази суртилади. Говмиччани ситиб, йирингини чиқариш ярамайди. Чунки бунда инфекция кўз косасига, сўнгра калла суяги бўшлиғига ўтиб кетиши мумкин. Кўз қовоқларининг чети сурункали яллиғланса, кўпинча кетма-кет говмичча чиқаверади. Бу ҳолда шифокор тавсияси асосида кўз қовоғи яллиғланишини даволаш керак. Шу билан бирга, соғлиқни ҳам умумий текширтириши зарур. Чунки говмиччанинг тез-тез чиқиши бошқа хасталикларга боғлиқ бўлиши мумкин.

- Ёшим ўтган сари паришонхотир (склероз) бўлиб қоляпман. Бунинг олдини олиш ёки даволаш мумкинми?

Рўзихон,
Фарғона тумани.

- Паришонхотирлик фақат кексаларда эмас айрим ёшларда ҳам учрайди. Масалан, кўчага отланган киши уйдан узоқлашар-узоқлашмас кўча эшикни ёпдими ёки йўқми, эслай олмайди. Буни даволаш ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Масалан: - Агар сиз чироқни ўчираётиб: "Чироқ ўчирилди", деб қўйсангиз, бажарган ишингиз ёдингиздан кўтарилмайди. Овоз чиқариб: "Эшикни ёпдим", "газни ўчирдим", дейиш бажарилган иш - ҳаракатга диққатингизни жамлайди ва у эсда қолади. Паришонхотирликка йўл қўймасликнинг усулларидан яна бири - қилинган ёки мўлжалланган ишларнинг бажарилишини ёзиб-чизиб боришдир. Эсда сақлаш қобилиятини машқ қилдириш ҳам мумкин. Бунинг учун шеър ёдлаш, кўрилган фильмлар ҳақидаги мулоҳазаларни ён дафтарчага қайд этиш, ҳамда вақтивақти билан хотирадан ўтказиб қўйиш керак. Унинг олдини олиш учун мева-чева (олма, хурмо, карам) лардан истеъмол қилиб туриш лозим. Дори воситаларини эса шифокор маслаҳати билан қўллаш лозим.

- Баъзан оёқ, қўлларим ва бармоқларим увишади. Нега шундай бўлади? Бу хавфли эмасмикан?

Облоёр,
Самарқанд шаҳри.

- Дарҳақиқат, айрим кишилар оёқ ва қўлларининг бармоқларининг оғришидан, увишиб, муздек бўлиб қолишидан, баъзан эса оқаришидан шикоят қилишади. Бу ҳолат периферик томирлар спазмига мойил кишиларда учрайди. Бундай спазмаларга оёқ ёки қўлнинг совқотиши, жисмонан зўриқиш, кам ҳаракатлилик сабаб бўлади. Дастлаб бундай аломатлар ўтиб кетади. Кейинчалик эса бу кишига кўп азоб бериши мумкин, натижада тўқималар озиқланиши бузилиб, оғриқ пайдо бўлади. Илмий табобатда бу томир синдроми, яъни Рейно касаллиги, дейилади. Касалликнинг олдини олиш учун эрталаб машқ қилиш, сўнг душ қабул қилиш яхшидир. Ҳар 2-3 дақиқада сувни гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ қилиб турилади. Оёқ ва қўлларни 7-8 марта гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ сувга солиб ўтирса ҳам бўлади.

- Қизим 4 ёшга тўлса-да, унча яхши гапирмайди. Қўпол, қайсар бўлиб ўсаяпти. Бу саломатлик нуқсони ҳисобланмайдими?

Гулбаҳор Мамажонова,
Олмалиқ шаҳри.

- Болалар уч ёшга киргунча анча яхши гапирадиган бўлиб қолади. Бироқ, баъзи болалар кечроқ гапириши мумкин. Бу кўп жиҳатдан боланинг хулқ-атворига боғлиқ бўлади. Бу борада боланинг умумий аҳволи муҳим роль ўйнайди. Нимжон, чиниқмаган бола тез-тез шамоллаб касалликларга чалиниб туриши билан бирга тили ҳам кеч чиқади. Агар ота-она болага кўпол гапирса, уни уришиб хафа қилишаверса, у жиззаки, қайсар, одамови бўлиб қолади. Тили ҳам кеч чиқади, ҳатто ақлий ривожланишдан орқада қолиши мумкин. Кичкинтой, қизалоққа иложи борича кўпроқ аҳамият бериш, унга чиройли расмларни кўрсатиш, уларда нималар тасвирланганини айтиб бериш ва жавоб олишга ҳаракат қилиш керак. Шу билан бирга, ёш болага ҳадеб дўқ уриб, қаттиқ-қаттиқ гапирмаслик керак. Акс ҳолда кўрқоқ бўлиб қолиши мумкин.

Табобат УММА САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

2005 - ЙИЛ СИҲАТ САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

- Мен кўпинча уйқусизликдан қийналаман. Бунинг шифоси қандай?

Наримон Нарзиев,
Сирдарё вилояти.

- Уйқу асаб тизими ҳолатига катта таъсир кўрсатади. Олимларнинг айтишича, уйқунинг асосий физиологик аҳамияти бош мия қобиғи хужайраларини ортиқча зўриқишдан муҳофаза қилиш экан. Сизнинг уйқунгиз қандай? Агар суткасига 7-8 соат ухласангиз, ўзингизни яхши ҳис этишингиз кифоя. Агар уйқусизлик қийнаса, даволашни кечиктирмаслик керак. Аввало ухлашга бир вақтда ётишни одат қилинг. Шунда ҳам ухлай олмасангиз, қуйидаги маслаҳатга амал қилинг.

Ухлашга ётишдан олдин оёқларингизни илиқ сувга солинг (10-15 дақиқа, хантал горчичник бўлса яна яхши), валерьян илдизи ёхуд арслон қуйруқ - пустирник эритмасини солиб умумий ванна қабул қилинг.

Ухлашдан 45 дақиқа олдин валерьян илдизи ёки пустирник эритмасидан ичинг. 25-30 дақиқа сайр қилинг. Қулмоқ (хмаль) ғуддалари солинган болиш (ёстиқ) - халтача ҳам яхши наф келтиради.

- Кейинги йилларда тез-тез қовоғим учадиган бўлиб қолди. Сабаби нимада?

Саодат Шерматова,
Фарғона вилояти.

- Киши қаттиқ зўриққанда, ҳаяжонланганда, чарчаганда, баъзан эса уйқу элтаётганда соғлом кишининг ҳам бир ёки бир неча мускул толалари беихтиёр қисқариши яъни, қовоғи учиши мумкин. Бу одамнинг ғашига тегади. Бироқ ҳеч қандай хавфи йўқ. У тез тўхтайди. Агар хона ҳароратидаги сувга пахта ёки сочиқни хўллаб, қовоқ ва юз артилса, қовоқ учиши тезроқ тўхтайди. Агар қовоқ тез-тез, узоқ учаверса, кўз шифокорига учрашиб бунинг сабабини аниқлаш зарур. Чунки қовоқ учиши марказий асаб тизими ва эндикрин аъзоларнинг баъзи касалликлари натижаси бўлиши мумкин. Кўз шифокори синчиклаб текширгандан кейин, мабодо зарур бўлса, сизни неврапатологга, эндокринологга ёки бошқа мутахассисга юборади.

- Соғломлаштирувчи югуриш борасида маслаҳат берсангиз...

Муҳаммаджон Аҳмедов,
Андижон вилояти.

- Югуриш фақат юракка эмас, балки қон айланиши, нафас олишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Аммо, соғломлаштирувчи югуриш, танага анчагина оғирлик беришини айтиб ўтиш лозим. Агар унга юзаки ёндошиладиган бўлса, машғулотлар тамоман қарама-қарши салбий натижа бериши мумкин. Шифокорлар билан жиддий маслаҳатлашиб, ўзини-ўзи назорат қилиш машқларнинг мажбурий шартларидир.

Ҳар куни узоқ пиёда юриш - соғлом турмуш тарзи учун қўйилиши шарт бўлган қадамдир. Юрганда (худди югуришда бўлганидек) юриш ҳавоси олинишига кўра мушаклардаги, шу жумладан юриш мушакларида ҳам очиқ майда қон томирлар миқдори тахминан икки марта кўпаяди. Юриш паришонхотирлик туфайли ўзгарган томирларнинг "тозаланишига" ҳам олиб келади. Машқнинг танага таъсири 48 соат давом этади. Агар 48 соатдан сўнг машқ такрорланмаса, унинг кучаювчи самараси сусая бошлайди. Бу ҳолда ҳамма нарсани бошидан бошлашга тўғри келади. Кечки соатларда: кечки таомдан 1 соат олдин, таомдан 2 соат ўтгач юрган маъқул, аммо уйқудан камида 2 соат олдин бўлиши шарт. Якшанба кунлари кундузи тушликдан 2 соат олдин ёки 3 соат кейин юриш мақсадга мувофиқдир. Узоқ сафарлар - оила билан таътилда бўлиш, дам олиш кунлари табиат бағрига чиқиш, иш кунларида эса югуришни машқ қилиш, югуриш ва пиёда юриш фойдали. Югуриш ва пиёда юришдан анча енгил тортиб шифо топасиз.

- Мен электр грелкадан тез-тез фойдаланаман. Уни ўзига хос қоидалари борми?

Тўхтабой Султонов,
Қорақалпоғистон республикаси,
Хўжайли шаҳри.

- Электр грелка енгил ва қулай, вақти келганда у тўқималарни тўхтовсиз ҳамда узоқ муддат иситади. Лекин куйиб қолишдан сақланиш керак. Шунинг учун ҳам бу грелкани очиқ танага эмас, балки сочиққа ўраб қўйилади. Ундан 6 соат давомида фойдаланилади. Қон босими паст ва бошқа юрак-томир касаллиги бор, дармонсиз кишилар эҳтиёт бўлганлари маъқул. Чунки хасталик оқибатида сезиш ҳисси сусайиб, улар куяётганларини сезавермайдилар. Шунинг учун бундай кишилар грелка қўймоқчи бўлсалар, терига крем ёки ўсимлик мойи суртиб қўйишлари лозим. Грелканинг самараси иссиқнинг танага таъсир этиш интенсивлиги ва муддатига боғлиқ. Муттасил ва узоқ вақт иссиқ қўйилиши натижасида қон айланиши, тўқималар озиқланиши яхшиланади, мушаклар бўшашиб, оғриқ пасаяди.

Меъда (ошқозон) яллиғланиши, холецистит (ўт-сафро халтаси шамоллаши), колит (ичаклар шамоллаши), миозит ҳамда бел-думғаза суяги - остеохондроз оғриқларида ва бошқа сурункали хасталикларда электр грелка қўйилади.

- Яссиоёқликни даволашда нимага эътибор бериш керак?

Толибжон Сотиволдиев,
Қўқон шаҳри.

- Яссиоёқлилик кўпинча семиз кишиларда учрайди. Тик туриб ишлайдиган кишиларда ҳам яссиоёқлик пайдо бўлиши мумкин. Бундай касб эгалари паст пошна пойафзал кийишлари керак. Яссиоёқликнинг олдини олиш ва даволашда яланг оёқ юриш, қумда югуриш, сакраш машқларини бажариш, спорт ўйинлари билан шуғулланиш яхши натижалар беради. Яссиоёқликдан қутулишга ёрдам берадиган махсус машқлар ҳам бор. Бунда аввал оёқ учида, товонда, сўнг оёқ бармоқларини қисиб, оёқ бармоқларини юқорига кўтарган ҳолда юриш керак. Бу машқлар кунига 3-4 марта бир дақиқадан бажарилади. Кейин оёқ бармоқлари билан полдан рўмолча, ғижимланган қоғоз, қалам, данак ва бошқа майда буюмлар кўтариб олинади. Ётган ҳолда оёқ бармоқларини букиб ёзиш ҳам яхши натижалар беради. Ҳарбий хизматга чақирилган йигитларда ҳам бу албатта ҳисобга олинади. Шу боис ота-оналар фарзандларини ёшлигида оёқларини текширишиб, вақтида даволатишлари зарур. Чунки, касалликни юз қадам босиб даволашдан кўра, олдини олиб бир қадам босгани яхши.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.

... ФОЙДАДАН ҲОЛИ ЭМАС

Қадим замонлардан бошлаб ароқдан спиртли аралашмалар тайёрлаб, турли касалликларни даволаб келишган. Унинг фойдалилиги шундаки, кўпгина доривор ўтлардаги фойдали моддалар сувга қараганда спиртда тез эрийди. Шунингдек, у доривор моддаларнинг танага тез сўрилиб, касалнинг тез тузалишини таъминлар экан.

► **Зиқнафас (астма)**ни даволашда - туятовон (мать-и-мачеха)нинг 40 дона барги устига 0,5 литр ароқ қуйилади. У бир ҳафта туради. Сўнг, ҳар кеча баргдан олиб, кўкракка сиққанича қўйилади. Муолажа барглар тугагунча давом эттирилади. **Буни ҳар уч ойда қайтариш кифоя қилади.**

► **Хотирани тиклашда** - 0,5 литрли банкани майдаланган саримсоқпиёз билан тўлдирасиз, устига ароқ қуйиб, қоронғу жойга икки ҳафта қўйиб қўясиз-да, чайқаб, аралаштириб турасиз. Тайёр бўлганидан кейин 4-5 томчисини бир ош қошиқ қайнатилиб совутилган сув билан аралаштириб, ҳар куни истеъмол қиласиз. **Даволаш муддати 4-6 ҳафта.** Бу муолажани бир йилда 4 марта қайтариш мумкин.

► **Шамоллаш ва кучли йўталда** ароқ билан асални тенг миқдорда аралаштириб, кечқурун кўкрак ва белга сурилади. Жун рўмол билан яхшилаб ўраб, ўринга ётилади. Ушбу муолажани кунига 1-2 мартадан бутунлай соғайиб кетгунча қайтарилади.

► **Бўғин оғриғи, бўғинларга туз йиғилганда ва товондан суяк ўсиб чиққанида** (шпора) да 0,5 литрлик банкани настарин (сирен) гуллари билан тўлдириб, устига ароқ қуйилади. Қоронғу жойда икки ҳафта турганидан кейин сузиб олинади. Кунига уч маҳал овқатдан сўнг сув билан ичилади. Шунингдек, бу аралашмани оғриётган бўғин ва умуртқага ҳам сурилади.

► **Товондан суяк ўсганда**, (шпора), оёқларни қайноқ сув билан ванна қилингач ушбу аралашмани суриш керак. **Даволаш муддати соғайгунча.**

► **Бод, (ревматизм), артритда** - 1,5 стакан турп суви, асал, 0,5 литр ароқ ва бир ош қошиқ туз яхшилаб аралаштирилади. Ушбу аралашмани уйқуга ётишдан олдин оғриётган бўғинларингизга яхшилаб суриб, иссиқ жун рўмол билан ўраб ётишингиз керак.

► **Простатитда** - 0,5 литрли банкани ёнғоқ пўсти билан тўлдириб устидан бўғзигача ароқ қуйилади. Икки ҳафта ўтгач сузиб олинади. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун аралашма тугагунча бир чой қошиқдан истеъмол қилинади.

Шунингдек, простатитда теракнинг қуритилган куртакларидан тайёрланган аралашма ҳам катта ёрдам беради.Бунинг учун икки ош қошиқ теракнинг куртакларини шиша идишга солиб, устидан 1,5 литр ароқ қуйилади. Бир ҳафтадан сўнг сузиб олинади. Кунига уч маҳал 15 томчидан 1/4 миқдоридаги қайнаб совутилган сувга аралаштириб ичилади. **Даволаниш муддати 2-3 ҳафта.**

► **Камайган куч-қувватни тиклашда** - 0,5 литрли банкани ярмигача қирғичдан чиқарилган қизил лавлаги билан тўлдириб, устидан ароқ қуйинг. Уни сузиб олгач ҳар куни икки маҳал бир чой қошиқдан истеъмол қилиш зарур. **Даволаш муддати 2-3 ҳафта.**

► **Юрак хасталиклари** - аритмия ва тахикардияда - бир ош қошиқ майдаланган қизил дўлана меваларининг устига бир стакан ароқ қуйилади-да етти кун қоронғи жойда сақланади. Тайёр бўлганидан сўнг сузиб олинади. 3-4 маҳал 20-30 томчидан овқатланишдан олдин ичилади. **Даволаниш муддати 10-14 кун.**

► **Сурункали бош оғриғида** - 5 ош қошиқ лимонўт (мелисса) ўти устига 1 стакан ароқ қуйилиб, уч кун сақланади. 20 томчидан 1\4 стакан миқдоридаги сув билан аралаштирилиб, кунига уч маҳал овқатланишдан ярим соат олдин ичилади.

► **Невроз, асаблар қақшаганда** - 3 ош қошиқ янги ёки қуритилган зиғирўт (толокнянка), ўти устига бир стакан ароқ қуйиб, қоронғи жойда сақланади. Кунига 15 томчидан овқатланишдан олдин сув билан ичиш тавсия қилинади.

► **Уйқусизликда-** икки ош қошиқ қулмоқ ғуддачалари (шишки хмеля), устига 1\2 стакан ароқ қуйилади. Икки ҳафтадан кейин сузиб олинадида, 5-6 томчидан кунига 2 маҳалдан овқатдан олдин илиқ сув билан истеъмол қилинади.

► **Ошқозон-ичак фаолияти ва кислоталилик пасайган пайтда, ошқозон ярасини даволашда** - икки ош қошиқ отқулоқ барглари, бир ош қошиқ далачой (зверобой), 1,5 чой қошиқ майдаланган ялпиз устига 0,7 литр ароқ қуйилади. Уч ҳафта қоронғи жойда сақланади. Ҳар куни бир ош қошиқдан 1,2 стакан миқдоридаги илиқ сув билан ичилса, фойда беради. **Даволаш муддати бир ой.**

► **Қорин дам бўлганда** - уч ош қошиқ лимонўт (мелисса) устига 1\2 стакан ароқ қуйиб, 3-5 кун қоронғи жойда сақлаб, ҳар куни 1-2 ош қошиқдан уч маҳал овқатланишдан олдин ичилса кифоя.

► **Сурункали чарчоқ ва қувватни оширишда** - бир ош қошиқдан далачой (зверобой) ва лимонўт (мелисса)ўтларини аралаштириб икки ҳафта қоронғи жойда турганидан кейин, сузиб олинади-да, кунига овқатланишдан олдин **2-3 маҳалдан ичилади.**

► **Йирингли ва битмайдиган яраларни тузатишда** - 5 грамм мўмиёни янчиб, кукун ҳолига келтириладида, устига 1\2 стакан ароқ қуйилади. Ушбу аралашмага бинт ёки пахтани ботириб олиб, ярага боғланади. **Даволаш муддати соғайгунча.**

► **Пайлар чўзилганда, жароҳатланганда-** 5-6 дона саримсоқпиёзни майдалаб, устига 2 стакан олма сиркаси ва 0,5 стакан ароқ қуйилади. Ҳаммаси аралаштирилгач, икки ҳафта давомида кунига бир неча мартадан чайқаб турилади. Сўнг жароҳатланган жой тузалгунча сурилади.

Табобат ҲИКМАТ

ШИФОБАХШ ИЧИМЛИК

Ушбу ичимлик хотира сусайишининг олдини олади. Шунингдек, пайларнинг қайишқоқлигини ошириб, қон томирларини мустаҳкамлайди. Бунинг учун 500 гр. музлатилган ёки янги олча мевасини сирланган идишга солиб устига 1,5 стакан шакар солинади. Шакари эриганидан сўнг бироз қайнатилади. Сўнг шиша идишга қуйилиб, устига 0,5 литр ароқ қуйилади ва 5-7 дона йирик қора олхўри меваларидан ҳам солинади. У икки ҳафта туриши керак. Тайёрланган шифобахш ичимликни бир ош қошиқдан кунига овқатланишдан олдин 3-4 маҳал ичилади. **Даволаш муддати - 2-3 ҳафта.**

Маслаҳат: ***Спиртли аралашмалар қанд касаллиги бор кишиларга тавсия этилмайди.***

ҲАМ АСАЛЛИ, ҲАМ ЛИМОНЛИ

Ҳозирги замон тиббиётчи олимлари пивонинг кўп шифобахш хусусиятларини аниқлашган. У танани турли шамоллашлардан сақлайди. Қон қуюлишининг олдини олиб, турли тиқилмаларнинг очиб, саратон хасталигини ҳам даволаркан.

Вабо касалини қулмоқ ғуддачалари - (шишки хмеля) солинган пиво билан, гриппни эса, бир стакан пивони саримсоқпиёз билан истеъмол қилинса даволаш мумкин экан.

Шунингдек, пиво ҳазм қилдириш хусусиятига ҳам эга. Ёғли таом истеъмол қилишдан олдин 1 стакан пиво ичилса овқат ҳазм бўлишида ҳеч қандай муаммо туғилмайди.

► **Қабзиятда** - 1 стакан пиво ичиб бир дона бодринг ёки икки дона редиска ейилса кифоя;

► **Тиш оғриғида** - ҳар ярим соатда илиқ пиво билан оғиз чайилади;

► **Узоқ очлик ва оғир касалликдан кейин силла қуриганда** - 3 дона ёнғоқни майдалаб, бир ош қошиқ асал билан бир стакан пивога аралаштирилади. Буни кечки овқатдан ярим соат олдин 1 ой давомида ичиб борилади.

► **Ҳаддан ташқари озғинликда** - 1 стакан пивога 2 ош қошиқ сметана, бир чимдим туз солиб аралаштиринг. Ҳар куни кечки овқатдан кейин ичилса, 1 ой давомида 3-4 кило семиртиради;

Маслаҳат!

Сметана билан пиво аралашмасини бўқоқ - эндокрин безларида муаммоси бор кишиларга истеъмол қилиш тавсия этилмайди.

Ичак шамоллаганда - бир стакан пивони бир дона ийлаб кўпиртирилган хом тухум билан аралаштирилади. Таъбга қараб туз солинади-да, икки ҳафта давомида ҳар куни ичилади.

Юрак санчганда - бир стакан пиво устига яримта лимоннинг шарбатини сиқиб бирданига ичинг.

Томоқ оғриганда - 1/2 стакан пивони илитиб, бир чой қошиқ асал билан аралаштиринг-да, овқатланишдан ярим соат олдин ичинг.

Шамоллаб иссиқ кўтарилганда бир шиша илитилган пивони ичиб, иссиқ кўрпага ўралиб ётинг.

Бронхит ва қаттиқ йўталда - икки дона йирик лимонни қирғичдан чиқариб, 1/2 литр пиво, ҳамда бир стакан шакар, икки ош қошиқ янчилган қизилмия (корень солодки) илдизи, бир чой қошиқ занжабил (анис) барглари билан аралаштириб бир соат давомида буғда тутасиз. Кейин сузиб олиб кунига бир ош қошиқдан уч маҳалдан ичишингиз мумкин.

Пайлар чўзилганда - пивони сирли идишда қайнатиб, унга сочиқни ботириб олинг. Сиқиб олинган сочиққа янчилган қора мурчни сепиб оғриқ жойга босинг. У 5-10 минут турсин. Ушбу муолажани ҳар 20 минутда такрорланг.

(Давоми бор)

Саҳифани Дилбар ва Гулбашакар тайёрлашди.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00. Босишга топширилди- 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 038. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 16545
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Б. САЙДАЛИЕВА
Мусаҳҳих — С. САЙДАЛИМОВ

1 3 4 5 6